БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 29 (520)

10 ФЕВРАЛЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

КПСС XX с'ездини меҳнат совғалари блан кутиб олайлик! (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **К. Насимова.** — Хотин-қизларни тарбиялашга э'тиборни янада кучайтирайлик (2-нчи бет).

ФЕЛЬЕТОН: **С. Раҳимов.** — Она арз қилади (2-нчи бет).

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН: **Ш. Хўжаев.** — Йиғма темирбетон заводлари қурилишини тезлаштирайлик (2-нчи бет).

Кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёрланайлик! (3-нчи бет).

Я. Симкин. — Ф. М. Достоевский (3-нчи бет).

Совет-Польша савдо муносабатларига доир (4-нчи бет).

Н. А. Булганиннинг «Юнайтед оф Пакистан» агентлигига берган жавоблари тўғрисида Ҳиндистонда баён қилинган фикрлар (4-нчи бет).

Оттавада Иден матбуот конференцияси ўтказди (4-нчи бет).

Покистон ташқи ишлар министрининг баёноти (4-нчи бет).

Президент Эйзенхауэр ҳузурида матбуот конференцияси (4-нчи бет).

Сиёсий агитациянинг жанговарлиги ва ҳаётчанлиги учун

Совет халқи коммунистик жамият барпо этишдан иборат улуғвор ва шарафли вазифани ҳал этмоқда. Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи бўлган Коммунистик партия халқимиз олдига коммунизм қурилишининг янги-янги вазифаларини қўймоқда. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езининг Директивалари проектида мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришнинг кенг перспективалари белгилаб берилган. КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариб, фидокорона меҳнат қилаётган халқимиз олтинчи бешйиллик план Директивалари проектида илгари сурилган гигант вазифаларни амалга оширишга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Коммунистик партия томонидан илгари сурилаётган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш идеология ишларининг савиясига, ходимларнинг сиёсий онглилигига, партия ташкилотларининг омма ўртасида олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишларига ҳартарафлама боғлиқдир. Партия ташкилотлари томонидан тўғри ташкил этилган идеология ишлари меҳнаткашлар оммасини коммунистик қурилишга актив жалб этишнинг, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини авж олдириб юборишнинг қудратли воситасидир.

Тошкент қишлоқ район партия комитетининг бу соҳадаги иши диққатга сазовордир. Район партия комитети колхозчилар ўртасида олиб борилаётган сиёсий агитация ишларининг ҳаёт блан, ишлабчиқариш блан маҳкам боғлаб ўтказилишига катта э'тибор бермоқда. Район партия комитетининг агитация ва пропаганда бўлими (мудири ўртоқ Абдуллаев) колхозларда сиёсий агитация ишларининг боришини систематик контроль қилиб туради. Райондаги барча колхозларда КПСС XX с'езди Директивалари проекти кенг муҳокама қилинди. Айниқса Каганович номли колхоз агитколлективи намунали ишламоқда. Агитпункт мудири ўртоқ Ҳошимов сиёсий агитация ишларини ҳозирги куннинг талаблари блан, колхоз олдида турган вазифалар блан боғлаб олиб борилишини та'минламоқда. Чорвачилик фермасида агитаторлик қилаётган ўртоқ Ҳидоятов чорвадорлар учун колхоз эришган муваффақиятлар ҳақида, колхоз хўжалигини янада мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида, КПСС XX с'езди Директивалари проекти муносабати блан чорвадорлар олдида турган вазифалар ҳақида жонли суҳбатлар ўтказади.

Шунингдек, Ўртасарой районидаги «Полярная звезда», «Северний маяк», Молотов номли, Ленин номли колхозларда ҳам сиёсий агитация анча дуруст йўлга қўйилган. Бу районларда сиёсий агитация ишларининг тўғри йўлга қўйилиши район меҳнаткашларининг меҳнат ғайратини янада оширмоқда, кўклам экин кампаниясига пухта тайёргарлик кўриш учун колхозчилар ўртасида партиямиз шонли XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтирмоқда.

Аммо ба'зибир партия ташкилотлари сиёсий агитацияни практикадан, хўжалик вазифаларидан, халқимиз амалга ошираётган улуғвор ишлардан ажралиб қолишига йўл қўймоқдалар. Айрим агитаторлар, лекторлар ўз лекция ва суҳбатларида шаблонга, формализмга йўл қўймоқдалар. Ба'зибир шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари бўлса сиёсий агитация ишларини ташкил этиш масаласига иккинчи даражали иш деб қарайдилар, агитация ишларининг савияси ва мазмуни устидан контроль олиб бормайдилар.

Бунга Верхне-волинск район партия комитетининг фаолиятини кўрсатиш мумкин. Район партия комитетининг бюро йиғилишларида идеология ишларини яхшилашга доир масалалар кўрилади, бу ҳақда узундан-узоқ қарорлар қабул қилинади, лекин сиёсий агитация ишлари ҳамон эскича қолиб келмоқда. Район колхозларида, айниқса Андреев номли, Ленин номли колхозларда олиб борилаётган сиёсий-оммавий ишлар ҳозирги куннинг юксак талабларига жавоб бермайди, ишлабчиқариш блан боғланмаган. Бу колхозларда кейинги вақтларда турли темаларда лекциялар уюштирилди. Лекин бу лекциялар ўзининг мазмуни блан колхозчилар талабини қондираолмади. Райком секретарлари, биринчи галда ўртоқ Черкунов сиёсий-агитация ишлари блан кейинги вақтларда шуғулланмай қўйди. Бундай аҳволга бундан кейин мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳарбир агитатор, пропагандист, лектор ёки партия ва совет ходими ўзига топширилган иш — сиёсий-агитация ишлари нақадар муҳим ва мас'улиятли эканлигини ҳечқачон эсдан чиқармаслиги лозим. Бизнинг бутун сиёсий агитациямиз кундалик вазифаларни ҳал этишга, олдимизда турган қийинчиликларни бартараф қилишга ёрдам беручи, жанговар, конкрет агитация бўлиши керак.

Агитатор ўзи иш олиб бораётган корхона, муассаса, колхоз ёки МТС ҳаётини чуқур билиши зарур. У, меҳнат қилиш ва ишлабчиқаришни ташкил этишнинг илғор усулларини амалга оширишнинг оташин курашчиси бўлмоғи лозим. Агитатор меҳнат унумдорлигини ошириш, техникани тараққий эттириш учун курашиши, ишлабчиқаришга агротехника ва илғорлар тажрибасини жорий этишга халқни беручиларни шафқатсизлик блан фош этучи бўлиши керак.

Партия ташкилотларининг омма ўртасида олиб борадиган сиёсий агитация ишлари ўзининг жанговарлиги блан назария ва практикадаги догматизмга, эскилikka, конкрет турмушдан ажралиб қолган доқладбозликка ва нутқбозликка қарши муросасиз бўлиши лозим.

Сиёсий агитациянинг кучи унинг ҳаётийлигида, халқимизнинг талаб ва эҳтиёжлари блан мустаҳкам боғланганлигидадир. Унда хўжалик соҳасидаги камчиликлар, аҳолига модий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги нуқсонлар, айрим муассасаларнинг ишларидаги камчиликлар ва бу камчиликларни тугатиш тадбирлари тўғрисида ҳам гапирилади.

Шунга эришмоқ керакки, сиёсий агитация ўзининг мазмуни ва моҳияти блан оммага муваффақиятларимизни тушуниб олишга ёрдам бериши, оммани меҳнат соҳасида янгидан-янги қаҳрамонликларга илҳомлантириши, ҳарбир корхона, МТС, колхоз, муассасадаги камчиликларни кескин равишда ва ўз вақтида очиб ташлаши керак. Шу блан бирга у, хўжалик ва маданий қурилишда янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун нималар қилиш кераклигини тушунтириб берсин. Шундагина сиёсий агитация ўзининг сафарбар этучилик, илҳомлантируучилик ролини ўйнайди.

Партиямиз шонли XX с'езди очилиш кунига саноқли кунлар қолди. Областимиз меҳнаткашлари мамлакатимиз тарихида муҳим воқеа бўлган бу кунни меҳнат ғайрати бенихоя ошган, коммунизм қурилишида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқда. Ишчилар, колхозчилар, МТС ходимлари ва барча меҳнаткашлар партиямиз XX с'езди шарафига социалистик мусобақани янада ривожлантирмоқдалар.

Партия ташкилотларининг вазифаси — с'езд шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кучайтириб, сиёсий агитациянинг сафарбар этучилик кучини колхоз, МТС ва совхозларда кўклам экин кампаниясига пухта тайёргарлик кўришни та'минлашга, партиямиз шонли XX с'езди очилиш кунига қадар барча трактор ва машиналарни экин кампаниясига тахт қилиб қўйишга қаратишдан иборат.

Сиёсий агитациянинг жанговар ва илҳомлантируучи кучини коммунизм қуришнинг улуғвор вазифаларини ҳал этишга қаратиш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Р. Қурбоновни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлаш тўғрисида

Тугилган кунига 50 йил тўлиши муносабати блан, узоқ йиллар самарали ишлаганлиги учун Фарғона область, Олтиариқ район партия комитетининг биринчи секретари Раҳмон Қурбонов Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи блан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. РАШИДОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ж. ИЛҲОМОВА.

1956 йил, 6 февраль.
Тошкент шаҳри.

В. И. ЛЕНИН АСАРЛАРИ 4-НЧИ НАШРИНИНГ СПРАВКА МА'ЛУМОТЛАРИ ТОМИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс — Энгельс — Ленин — Сталин институти томонидан В. И. Ленин Асарларининг 4-нчи нашри учун тайёрланган справка ма'лумотлари томининг 1-нчи қисми босилиб чиқди.

Справка ма'лумотлари томининг биринчи қисми предмет кўрсаткични ўз ичига олади. Бу кўрсаткич ленинизмнинг буюк ғоявий бойлигини, В. И. Ленинниг янги тарихий шароитларда марксизмни тараққий эттиришини, унинг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини ва Совет давлатини тузиш ҳамда мустаҳкамлаш учун олиб борган курашини, социализм ва коммунизм қуриш йўллари тўғрисида, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат тўғрисида ҳамда бошқа масалалар ҳақида В. И. Ленинниг идеяларини ва айтган фикрларини ўз ичига олади.

Справка ма'лумотлари томининг иккинчи қисми яқинда босилиб чиқади. Иккинчи қисм В. И. Ленин Асарларининг 4-нчи нашрига киритилган В. И. Ленин Асарларининг алфавит кўрсаткичини, В. И. Ленин псевдонимлари рўйхатини, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг В. И. Ленин цитата олган ва эслатиб ўтган асарларининг кўрсаткичини, номлар кўрсаткичини, муваққат нашрлар кўрсаткичини, географик номлар кўрсаткичини, В. И. Ленин фойдаланган ва тилга олган бадиий адабиёт ва танқид асарлари, мақолалар ва ҳикматли сўзлар кўрсаткичини ўз ичига олади. (ТАСС).

КПСС XX с'ездини меҳнат совғалари блан кутиб олайлик!

★

МТС МЕХАНИЗАТОРЛАРИ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРДИЛАР

Ўртасарой районидаги 1-нчи МТС коллективи Воронеж область механизаторларининг чақириғига жавобан КПСС XX с'ездини меҳнат соҳасида янги муваффақиятлар блан кутиб олиш учун астойдил курашди. Улар трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини 10 февральгача тугаллаш мажбуриятини олган эдилар. Механизаторлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун курашиб, ремонт ишларини узел методи асосида ташкил қилдилар. Ҳарбир трактор бригадаси ҳайдов тракторлари ҳамда чопиқ тракторларини сифатли ремонт қилиш учун ҳаракат қилди. Натижада социалистик мажбурият муддатидан илгари — 5 февральда муваффақиятли бажарилди. 54 та чопиқ трактори, 22 та ҳайдов трактори, 52 та сеялка, 120 та «зиг-заг» бороналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилди.

Шу кунларда МТС коллективи тракторларни гўза қатор ораларига ишлашга мослаштириш вазифасини бажармоқда. Бундан ташқари, МТС қошида квадрат-уялаб чигит экадиган экипажлар составини ўқитиш, ўргатиш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

МТС коллективи кўклам экиш кампаниясига муваффақиятли тайёрланиш блан, чигит экишни белгиланган муддатда юқори сифатли ўтказиш учун барча тадбирларни кўраётир.

— Коллективимиз, — дейди МТС директори ўртоқ С. Егоров, — колхозларга техника хизмати кўрсатишни янада яхшилаб, янги усулда чигит экишни муваффақиятли ўтказиб, 1956 йилда барча колхозларда — ҳосилни оширш учун бундан ҳам унумлироқ меҳнат қилади.

II квартал ҳисобига ишлаётганлар

Олмалиқ шаҳридаги мастерскойлар ремонт базасининг коллективи яқинлашиб келаётган КПСС XX с'ездининг очилиш кунини ишлабчиқаришда муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтармоқда. Илғор ишчилардан Абрамов, Красильников, Сидерский каби кўпгина ўртоқлар илғор иш усулларини қўлланиш натижасида ҳозирнинг ўзидаёқ I квартал топшириғини бажариб қўйдилар.

Базанинг Владимир Турахин раҳбарлик қилаётган механик цехининг коллективи ҳам I квартал топшириғини бажарди. Цех ишчилари с'езд очилиш кунигача ярим йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар.

Шунингдек, шаҳардаги ишлабчиқариш корхоналари комбинатига қарашли темирбетон буюмлари цехининг коллективи ҳам с'ездолди меҳнат вахтасида туриб, яхши натижаларга эришмоқда. Бу цех коллективи 14 февральгача пландан ташқари 1200 кубометр темирбетон конструкциялари ишлаб чиқариш мақсадида кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишлаётир.



Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ишлабчиқаришда яхши натижаларга эришмоқда. 2-нчи йигирув фабрикасининг донгдор йўлчиси комсомол а'зоси Мукаррам Пўлатова смена топшириғини доимо ортиғи блан бажариб, нуқул юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётир. **Суратда:** Мукаррам **Пўлатова** иш устида.

Э. Погорельченко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Меҳнат унумдорлиги 20 процент оширилди

Тошкентдаги бешинчи ғишт заводлари бошқармасига қарашли корхоналар коллективлари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, олинган мажбуриятни бажаришда яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ғишт заводларида ишлабчиқариш процесларни такомиллаштиришга катта э'тибор берилмоқда. Бу соҳада рационализаторлар актив қатнашаётир. Бош механик ўртоқ Л. Буримов хом ғиштни хумдонга киритиш ишини электр кучи блан маҳсус машинада бажаришни таклиф қилди. Натижада меҳнат унумдорлиги 20 процент ортиб, 150 минг сўмдан ортиқ давлат маблағи тежаладиган бўлди.

Бошқармага қарашли ғишт заводлари ўртасидаги социалистик мусобақада олдинда бораётган 2 ва 3-нчи ғишт заводларининг коллективи январь ойи топшириғини 110 процентга етказиб бажардилар. Бу заводларнинг илғор ишчиларидан Йўлдош Мирзаев, Раҳим Собиров, Жўра Ғозиев каби ўртоқлар меҳнат унумдорлигини тобора ошириб, маҳсулот сифатини яхшиламоқдалар. Бу илғорларнинг номлари шаҳар Ҳурмат тахтасига ёзилган.

Ҳозир бошқармага қарашли ғишт заводларининг ишчи, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари КПСС XX с'езди Директивалари проектидан руҳланиб, меҳнат унумдорлигини янада оширш ва с'езд очилиш кунигача муносиб совға тайёрлаш учун курашмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Топшириқ ортиғи блан бажарилмоқда

Тошкентдаги Ильич номли заводнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўртасида шонли партиямиз с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Корхона коллективи меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини камайтиришга имкон беручи резервларни қидириб топмоқда. Шунинг натижасида цех ва участкаларда кунлик ва ҳафталик топшириқлар ортиғи блан бажарилмоқда.

Ўртоқ Василий Королёв бошчилик қилаётган механика цехининг ишчилари бу соҳада айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. Коллектив корхона цехлари ўртасида биринчи бўлиб, январь ойи топшириғини муддатидан илгари ортиғи блан бажарди. Меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Зокир Халилов, Евгений Молотков, Иброхим Не'матов, Саидаҳмад Саидвалиев каби илғор ишчилар смена топшириғини 200-220 процентга етказиб бажармоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

Ўзаро мусобақа асосида

Сталин районидаги «Большевик» артелининг меҳнатсевар коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ишлабчиқаришда янгидан-янги муваффақиятларни ўзлга киритмоқда.

Артельда ишнинг бир меъёрда ташкил этилишига катта аҳамият берилмоқда. Шу туфайли маҳсулот сифати тобора яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ортмоқда. Коллектив январь ойи планини муддатидан 5 кун илгари бажариб, пландан ошиқча 300 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Социалистик мусобақада қолиб чиқаётган Нў'монов, Қодиров, Сидоров, Насриддинов, Азимов, Ҳудойқулов каби ўртоқлар смена топшириқларини 150 — 170 процентга етказиб бажараётирлар.

О. САЙДАМИНОВ.

Қуювчилар меҳнат вахтасида

Ворошилов номли «Ташсельмаш» заводининг коллективи КПСС XX с'езди Директивалари проектидан руҳланиб, корхонанинг олтинчи бешйиллиқда белгиланган топшириқларини бажариш учун курашни кучайтирмоқда.

Цехлараро социалистик мусобақада қуюв цехининг ишчилари агрегатлардан фойдаланиш коэффициентини оширишга аҳд қилган эдилар. Қуювчилар олинган мажбуриятни муваффақиятли бажариб, сменада 15 тоннагача етказиб қуйилма берадиган бўлдилар. Шунингдек, қобиқли формалаги қуйилмалар номенклатураси сонини 12 тага етказиш ва «УКФ-2» маркали икки позицияли машинани ўзлаштириш ва иш процесларини механизациялаштиришда ҳам самарали натижаларга эришмоқдалар.

Яқингача қуювчилар бир кеча-кундузда 14-15 тоннага етказиб қуйилма берардилар ва бу кўрсаткич ишлабчиқаришда рекорд ҳисобланар эди. КПСС XX с'езди Директивалари проектидан илҳомланган ватанпарвар ва пўлат эритувчилар меҳнат унумдорлигини кундан-кунга ошириб, 23 тоннага етказиб эритма бердилар, бу аввалгига қараганда 30—60 процент ортиқдир.

Яқинда қуювчилар яна бир детальни қобиқли формада ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Натижада рангли металларнинг сарфланиши 5 марта камайди.

Социалистик мусобақада қолиб чиқаётган пўлат эритувчи Носир Содиқов, Турсун Ямгулин ўртоқлар КПСС XX с'езди шарафига олинган мажбуриятларини муваффақиятли бажаришда бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Г. ДЕМИДОВ.

Қўл меҳнати сарфлаш камайтирилмоқда

Мирзачўл районининг колхозлари шўр ерларни ювиш ишларини областьда биринчи бўлиб тамомладилар. Бу иш бу йил пахтазорлар учун ажратилган массивлардагина эмас, балки боғларда, токзорларда, бедазорларда, макkажўхори экиш учун ажратилган участкаларда, шоли, сабзавот ва полиз экинлари экиладиган ерларда ҳам ўтказилди. Бу йил қишлоқ хўжалик оборотига кўшиладиган қўриқ ва партов ерларнинг ҳам шўри ювилди.

Ернинг шўрини ювиш ишлари кенг равишда механизациялаштирилганлиги туфайли бу ишларнинг ҳажми оширилди. Ерни текислаш ишлари скреперлар ва бульдозерлар ёрдами блан ўтказилмоқда. Муваққат зовурлар ариқ қазучи машиналар блан қазилмоқда, валиклар ясашда ҳам машиналардан фойдаланилмоқда. Ернинг шўрини ювиш ишларида кўлланилаётган машиналар парки ўтган йилдагига нисбатан ўнбеш процент кўпайди. Бунинг натижасида Мирзачўл районларидаги колхозлар бирнеча ой ичида юз мингдан кўпроқ меҳнат кунини тежадилар. (ЎзТАГ).

ИШЛАБЧИҚАРИШНИНГ ДОНГДОР КОМАНДИРЛАРИ

Ижодкорлар

Ўрта Осиё Давлат университетининг химия-технология факультетини 1940 йили яхши баҳолар блан тамомлаган Омон Иль'ёсов ишлаш учун Чирчиқдаги Сталин номли электрохимия комбинатига юборилди. Комбинат раҳбарлари уни дастлабки кундан бошлабоқ минерал ўғит ишлаб чиқариш цехига смена бошлиғи қилиб тайинладилар. У смена бошлиғи бўлиб ишлаш блан бирга цехдаги комсомол-ёшлар бригадасига ҳам раҳбарлик қилди. Шу йилларда комбинат ҳали қуриб битказилмаган ва ба'зи цехларни қуришга энгинига киришилаётган эди. Иль'ёсов бошчилигидаги смена ва комсомол-ёшлар бригадаси ўзлари ишлаётган цехнинг битмай қолган қисмини қуриш ҳамда агрегатлар ўрнатиш ҳақида ташаббус бошладилар...

Бир куни цех бошлиғи ўртоқ Гордо Омон акани ўз кабинетига чақиртирди. Иль'ёсов бошлиқнинг кабинетига яқинлашаркан «Нега чақирар экан» деган фикр унинг ҳаёлидан ўтди.

— Салом, марҳамат ўтиринг, ишлар тузикми, — деди ўртоқ Гордо.

— Ишимизни умуман олганда ёмон эмас деса бўлади.

— Деса бўлади эмас, ишларингиз жуда яхши, — деди бошлиқ. — Планни олсак ортиғи блан бажариб турипсизлар. Шундай эмасми?

— Шундай, — деди Омон ака бошини силкитиб.

Меҳнат интизомини мустаҳкамласангиз, — деб давом этди бошлиқ, — иш ўринлари тоза тутилса, янгиликлар коллектив ўртасида оммалаштирилса — мана шуларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигининг ошишига катта ёрдам беради. Планнинг бажарилиши даставвал меҳнат унумдорлигининг оширилишига боғлиқ.

Бошлиқ Омон акага мавжуд техника кучидан тўғри фойдаланиш устидан доимо контрольлик қилиб туриш кераклигини алоҳида уқтириб ўтди ва «цехда ёш ишчилар кўп, сиз уларга назарий томондан ёрдамлашиш блан бирга, кекса ишчилардан ба'зи нарсаларни сўраб ўрганишдан ҳам асло уялманг, бу сизга жуда зарур», — деб қўшиб қўйди.

Цехларга турли станоклар ва механизмлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Ўғит ишлаб чиқариш учун кўрилаётган тайёргарлик ишлари тамомланиб, керакли нарсалар тахт қилиб қўйилганда, Беризники электрохимия комбинати ҳузуридаги ихтисос ошириш 6 ойлик курсидан Омон ака ва унинг ҳамроҳлари қайтиб келдилар. Шундай қилиб, комбинатда биринчи марта минерал ўғит 1940 йилнинг 6 ноябрь куни ишлаб чиқарилди. Ёш химиклар ўзлари ишлаб чиқарган дастлабки маҳсулотни Улуғ Октябрь социалистик революцияси байрамига муносиб совға қилдилар.

Ҳа демай, орадан 3 йил ўтди. Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш юзасидан социалистик мусобақа қизиб кетди. Ўртоқ Омон Иль'ёсов бошчилигидаги смена мусобақада ғолиб чиқди. Бу ерда давлат плани ойма-ой оширн блан бажариларди. Тайёрланган маҳсулот фақат юқори сифатга қабул қилинди. Муҳим топшириқларни бажаришда коллективга устаник блан раҳбарлик қилиб, юқори кўрсаткичга эришган Омон Иль'ёсов партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У, 1943 йили 8 майда олий мукофот — Ленин ордени блан мукофотланди, орадан 6 ой ўтгач эса, цех бошлиғи вазифасига кўтарилди.



Омон ИЛ'ЁСОВ.

Омон ака кўп вақтини участка, смена ва бригада ишчилари ўртасида ўтказадиган бўлиб қолди, учраган камчиликлар ва ишга халақит бераётган тўсиқларни ўз вақтида бартараф қилишда, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг таннархини камайтиришда коллективга ёрдам берди.

Ишлабчиқариш кенгашларида маҳсулот сифатини яхшилаш ва кундалик нормани бажармончи ишчилар блан ишлаш каби муҳим масалаларнинг муҳокама қилинишни туфайли цехда «А'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқаручи бригадалар» ва белгиланган топшириқни ошириб бажарувчи ишчилар сафи тобора кенгаяборди. Цех ишчилари маҳсулот ишлаб чиқаришни 1955 йили 1954 йилдагига қараганда 2 процент, меҳнат унумдорлигини 7 процент оширдилар. Маҳсулот таннархи планда белгиланганидан 7,5 процент камайтирилди. Бешинчи бешйиллик мобайнида 1944 йилдагига қараганда минерал ўғит ишлаб чиқариш уч ярим марта кўпайди.

Ўтган йили цех рационализаторларидан 122 таклиф тушди, улардан 90 таси ишлабчиқаришга жорий қилинди. Таклифларнинг кўпчилиги маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг таннархини камайтириш, ба'зи станокларни ярим ва тўлиқ автоматлаштиришга қаратилган. Слесарлар бригадасининг бошлиғи Пашкун, ишчи Ҳасанов ва Жўманов каби ўртоқларнинг таклифлари айниқса яхши натижа берди.

Шахсий тежаш варақаси ташкил қилиш ва технология жараёнларини а'ло даражада бошқариш юзасидан мусобақа бошлаб берган Мария Коротина блан Анна Маслова ўртоқларнинг ташаббуси цехда ўз ифодасини топди. Аппаратчилардан Никитина, Бойқўзиев ва Чумак каби ўртоқлар Коротина ва Масловалар методи асосида ишлаб, яхши натижаларга эришдилар. Аммиак, бут азот кислотаси ва бошқа ҳил хомаш'ёдан рационал фойдаланиш юзасидан бошланиб кетган мусобақа кенг авж олди. Новаторлар томонидан тежалган хомаш'ёдан 50 тоннадан ортиқ сифатли ўғит тайёрланди. Цех бўйича давлатнинг юз мингларча сўм маблағи тежалди. Аппаратчилардан Бойқўзиев 1955 йилнинг фақат 8 ойи ичида 43, Чумак эса 46 минг сўм жамгарма бердилар.

Химия фанлари кандидати унвонини олиш учун диссертация ёқлаш устида ишлаётган коммунист Омон Иль'ёсов коллективни давлат планининг барча турлари бўйича бажаришга сафарбар қилиш блан бирга уларнинг ишлабчиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олишлари ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Ишчилардан 3 киши политехника институтида, 8 аппаратчи шаҳардаги химия-механика ва кечки машинасозлик техникумларида, 6 ишчи мастерлар курсида ҳамда турли ишчилардан 6 киши кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқимоқда.

Меҳнатда янги ғалабаларга эришган химиклар ўз ютуқларини янада мустаҳкамлаш учун ҳарқачонгидан ҳам унумли ишламоқдалар. 1954 йили сифатли ўғит ишлаб чиқаргани учун Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиб, иккинчи даражали диплом олган цех ишчилари 1956 йил давлат планини муддатидан илгари шараф блан бажаришга киришдилар.

Т. УНАБОЕВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Хотин-қизларни тарбиялашга э'тиборни янада кучайтирайлик

Халқимиз коммунизм қурилишининг партия ва ҳукуматимиз томонидан белгилаб берилаётган улуғвор программасини амалга ошириш учун курашмоқда. Бу курашга совет хотин-қизлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Мамлакатимиздаги барча хотин-қизлар сингари ўзбек хотин-қизлари ҳам хўжалик ва маданий қурилишининг барча соҳаларида актив қатнашмоқдалар. Улар саноат корхоналарида, пахта далаларида, фан ва маданият соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, коммунистик қурилишимизда актив қатнашмоқдалар.

Калинин районидаги корхоналарда, колхоз далаларида, сутчилик фермаларида, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш системаларида минглаб хотин-қизлар зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Райондаги кўпгина хотин-қизлар ҳалоғ ва фидокорона меҳнатлари учун орден ва медальлар билан мукофотланганлар. Ўнлаб хотин-қизлар жамоат ишида актив қатнашганликлари ва оғма ўртасида катта обрў ҳамда э'тибор қозонганликлари учун Республика Олий Совети ва маҳаллий Советларининг депутати қилиб сайланиш каби улуғвор шарафга муяссар бўлдилар. 11-нчи ўрта мактабнинг ўқитувчиси ўртоқ Азиза Иброҳимова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатидир. 17-нчи мактабнинг директори ўртоқ Саври Ниёзовага эса халқ маорифи соҳасида узоқ йиллар давомида қилган самарали меҳнати учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган фахрий унвон берилган.

Район колхозларида ўтган йили сабзавот ва картошкадан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини ошириш, шаҳар аҳолисини сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотлари билан та'минлашни яхшилаш юзасидан кўрилган барча тадбирлар КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун кураш белгиси остида ўтди. Айниқса шу даврда совет хотин-қизларининг фидокорлиги уларнинг колхоз далаларида ҳақиқатан ҳам қатта куч эканликлари яна бир карра намоён бўлди.

Хотин-қизлардан 250 га яқин киши бригада ва звено бошлиқлари, ферма мудири, далачилик бригадалари ва фермаларнинг учётчиклари бўлиб, 6 киши бошлангич партия ташкилотининг секретари, 2 киши колхоз раисининг муовини, 25 киши колхоз правленияларининг ва 15 киши ревизия комиссиясининг а'золари бўлиб ишламоқда. Коммунист ўртоқ Иқбол Йўлдошева Маленков номли колхозга раислик қилаётир.

Хотин-қизлар бошчилик қилаётган ўнлаб бригада ва звеноларда картошка, сабзавот, полиз экинларидан юқори ҳосил етиштирилди. Бунга мисол қилиб, Генерал Раҳимов номли колхознинг звено бошлиғи Жамол Аҳмедова, «Октябрь самараси» колхозининг звено бошлиқлари Санталат Тожибоева, Мунира Ортиқова ва бошқа ўртоқларни кўрсатиш мумкин.

Чорвачиликни ривожлантириш, сигирларнинг парваришини яхшилаш ва улардан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини оширишда хотин-қизларнинг роли айниқса яққол сезилди. Сталин номли колхознинг илғор сут соғувчилари ўртоқ Ҳикоят Абдуллаева ўтган йили ҳарбир сигирдан 4169 литрдан, ўртоқ Назми Муҳиддинова 3577 литрдан, Ворошилов номли колхознинг сут соғувчиси ўртоқ Бувиниса Исҳоқова 3198 литрдан сут соғиб олдилар. Шунингдек, «Шарқ ҳақиқати» колхозининг сут соғувчиси Арофат Баҳодирова, «Октябрь самараси» колхозининг сут соғувчилари Қумри Гуломова, Раҳима Зокирова ўртоқлар каби кўпгина илғорлар ҳам сигирлардан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини оширишда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Сталин номли колхозининг бузоқ боқари ўртоқ Муҳайё Мирахмедова ўзига бириктириб қўйилган 43 бузоқнинг ҳаммасини 6 ой давомида тўла сақлаб қолишга, ҳарбир бузоқни суткасига 550 ўрнига 639 граммдан семиртиришга муваффақ бўлди. Шунингдек, колхоз ишлабчиқаришининг бошқа қатор меҳнатсевар илғорларини ҳам кўрсатиш мумкин.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча жойларида КПСС XX с'езди Директивалари проектини муҳокама қилиш қизғин давом этмоқда. Районимиз меҳнаткашлари, шу жумладан хотин-қизлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йўлларини белгилаб, ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олмоқдалар. Сталин номли колхознинг а'зоси ўртоқ Абдуллаева бу йил ҳарбир сигирдан камида 5000 литрдан, Ворошилов номли колхознинг а'зоси ўртоқ Исҳоқова 4500 литрдан сут соғиб олиш мажбуриятини олдилар. Бошқа кўпгина сут соғувчилар, бригада ва звено бошлиқлари ҳам оширилган мажбуриятлар олдилар.

Район партия комитети, бошлангич партия ташкилотлари хотин-қизларни жамоат ишларига кенг жалб этишга, уларни сиёсий ва маданий ҳаётга актив жалб этишга тобора катта э'тибор бермоқдалар. Ўнлаб актив хотин-қизлар агитатор ва пропагандист бўлиб ишламоқдалар, меҳнаткашлар оммасини тарбиялашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Хотин-қизлар ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни тинмай кучайтириб бориш партия ташкилотларининг асосий вазифасидир. Шунинг учун ҳам район партия ташкилоти ишчи, хизматчи, колхозчи ва уй ишида банд бўлган хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, улар учун илмий-атеистик ва бошқа темаларда лекция, докладлар ташкил қилиш, суҳбатлар ўтказишга жиддий э'тибор бераётир.

Шуни айтиш керакки, хотин-қизлар ўртасида сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришда қишлоқ район партия комитетларининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимлари зиммасига катта ва мас'улиятли вазифалар юклатилган. Улар бевосита хотин-қизлар ўртасида иш олиб бориб, уларнинг ишлабчиқаришдаги активлигини ошириш, социалистик мусобақани кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришда бошлангич партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари зарур.

Калинин район партия комитети ва унинг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлими бу соҳада қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Район партия комитетининг бюроси кейинги вақтларда хотин-қизлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ва маданий-оқартув ишларини кучайтириш масалаларини муҳокама қилди ва қатор амалий тадбирлар белгилади. Бўлим ана шу тадбирларнинг амалда бажарилиши учун курашаётир. Шу мақсадда жойларда хотин-қизлар советларининг иши яхши йўлга қўйилди, улардан 23 таси қайта сайланди. Биз ҳозир хотин-қизлар советларининг фаолиятини янада кучайтириш учун ҳаракат қилаётирмиз.

Ма'лум даражада тайёргарлиги бўлган хотин-қизлардан бирнеча киши район партия комитетининг штатсиз инструкторлари қилиб тасдиқланди. Улар ҳозир жойларда актив иш олиб бормоқдалар. Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими тузган план асосида хотин-қизлар учун ҳар ойда бир марта лекция ўтказилмоқда. Район маданият бўлими эса клуб советларининг ишини жонлантириш, унга хотин-қизларни кенг жалб этиш масаласи билан муттасил шуғулланаётир. Район колхозлари, муассасаларининг клублари қошида 6 та тикувчилик, 6 та бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларн ташкил қилинган. Уларга хотин-қизлардан 160 га яқин киши жалб этилди. Биз бу соҳадаги ишни янада кучайтириш учун барча зарур чораларни кўрамиз.

Ўтган йилнинг декабрь ойида барча хотин-қизлар советларининг а'золари ҳамда актив хотин-қизлар учун бир кунлик семинар ўтказилди. Унда хотин-қизлар советларининг вазифалари, бола ва оиланинг соғлигини сақлаш, хотин-қизларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишга қарши кураш каби темаларда лекция ва докладлар тингланди. Хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган сиёсий -тарбиявий, ишларни яхшилаш йўллари юзасидан фикр алмашиш бўлди.

Шунингдек, илғор чорвадорларнинг район кенгаши ўтказилди. Кенгашда колхозларда чорвачилик соҳасида ишлаётган хотин-қизлардан 180 киши қатнашди. Кенгаш қатнашчилари ўзларининг тажрибаларини ўртоқлашдилар. КПСС XX с'ездн шарафига социалистик мусобақани қизғинлаштириш, бу йил ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 2 минг литрдан сут соғиб олиш, ҳар 100 бош сигир ҳисобига камида 90 та бузоқни сақлаб қолиш мажбуриятини олдилар.

Лекин шуни айтиш керакки, ҳали ишимизда кўпгина жиддий камчиликлар бор. Меҳнаткашлар ўртасида «Болалар тарбияси», «Мактаб ва оила», илмий-атеистик, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг хотин-қизлар ҳақидаги қилаётган ғамхўрлиги каби темаларда лекция ва докладлар кам ўтказилаётир. Хотин-қизларни раҳбарлик вазифаларига кўтариш масаласига ҳам кам аҳамият берилмоқда.

Айниқса хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлиш каби ярамас ҳолга тамомила барҳам берилмаган. МТСнинг собиқ директори Мирсоатов коммунист бўлатуриб, хотин-қизларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлган, қишлоқ хўжалик артели Уставига хилоф равишда колхозлардан кўплаб картошка, сабзавот олган, давлат мулкини талон-тарож қилган. Натижада у КПСС сафидан ўчирилди ва жиноий жавобгарликка тортилди.

Охунбобоев номли колхознинг а'зоси Маҳмуд Эркабоев ўз келинига фақат диний э'тиқодларни бажо келтиришда хизмат қиладиган киши деб қараган. 12-нчи мактабнинг ўқитувчиси Шариф Тошмуҳамедов хотини ва 4 боласи бўлатуриб, шу мактабнинг 9-нчи синф ўқучиси Ф. ни жиноятқорона зўрлаган. 4-нчи мактаб ўқитувчиси Тоҳир Муҳамедов эса ўзи дарс берадиган 10-нчи синфнинг ўқучиси М. ни хотинликка олмоқчи бўлган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай ярамас ҳолларнинг юз бераётганлиги шуни кўрсатадики, хотин-қизларни тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳали-бери шуғулланиш керак. Хотин-қизларни менсимаслик, камситиш, уларга нисбатан бой-феодалларча муносабатда бўлишнинг ҳарқандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб бориш лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, хотин-қизлар ўртасида ишлаш, уларни тарбиялаш фақат хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимларинигина вазифаси бўлмай, барча партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, кенг жамоатчиликнинг жонажон ишидир. Хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган кундалик сиёсий ва тарбиявий ишларни ҳартарафлама кучайтириш, уларни коммунизм қурилишининг актив курашчилари қилиб тарбиялаш бошлангич партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

К. НАСИМОВА,

Ўзбекистон КП Калинин район комитети хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири.



Тошкент Октябрь районидаги 1-нчи ўрта мактабнинг мастерскойлари яхши жиҳозланган. Ўқучилар бу ерда меҳнат малакасини ҳосил қилмоқдалар. **Суратда:** Ўқитучи **И. Б. Сачақов** 8-нчи синф ўқучиларига болт ясовчи станокнинг тузилишини ўргатмоқда.

Р. Исаев фотоси.

(ЎзТАГ фотохроникаси).

Қисқа сатрларда

* **Оржоникидзе** район соғлиқни сақлаш бўлими аҳолига медицина хизматини тобора яхшиламоқда. Райондаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида медицина пункти ташкил қилиниб, колхозчилар учун намунали хизмат қилмоқда. Дўрмон қишлоғида ўн койкали касалхона ташкил қилинди. Касалхона қалакали медицина ходимлари билан тўла та'миланди. Оғир касал бўлиб оғриган колхозчи беморлар бу ерда яхши даволанмоқдалар ва соғлом бўлиб қайтмоқдалар.

А. Латипов.

* **Мирзачўл** районидаги Жданов номли колхознинг 100 дан ортиқ а'зоси янги уйжой қуриб олди ҳамда унга кўчиб кирди.

Бундан ташқари колхозда правление идораси, галла омбори, 120 бош қора мол сигадиган молхона ва икки отхона бинолари қуриб битказилди.

А. Содиқов,
О. Қурбонов.

* **Верхне-волинск** районидаги Свердлов номли колхозда янги электр станцияси қуриб битказилди ва ишга туширилди. Ҳозир деярли ҳамма колхоз а'золарининг хонадонлари электр нурлари билан ёритилди.

К. Курбонбоев.

* **Чиноз** районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг қиёфаси йил сайин ўзгариб, кўркамлашиб бормоқда.

Колхозда 500 ўринли клуб, озиқ-овқат магазини, 150 бош қора мол сигадиган молхона қуриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

С. Усмонов.

* **Қорасув** районидаги Қуйлиқ қишлоғида озиқ-овқат магазини, киоска ва 2 та сартарошхона бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. М. Горький номли колхозда уч хонали чойхона биноси қурилди.

С. Муҳитдинов.

* **Тошкент** темир йўлига қарашли Сергели станциясида ҳаммом, 500 кишилик клуб ва нонвойхона бинолари қуриб битказилди ҳамда фойдаланишга топширилди.

Р. Муҳамаджонов.

ФЕЛЬЕТОН

ОНА АРЗ ҚИЛАДИ

— Холангиз ўргулсин, мен нима қилай, бир маслаҳат берсангиз? Қизим билан икковимиз кўчада қолдик. Мен-ку, майли-я, аммо, мана бу сингилингиз мактабда ўқийди. Қиш кунлари бўлса, кийимн йўқ, ҳеч қаерга чиқаолмай қолди. Қариганда бизга шу иш муносибми, ахир? Бировга айтишга ҳам уялсан, киши. Рўзғор қилиб, ўғил ўстириб оқибатда кўрган ҳузур-ҳаловатим шу бўлдими?..

Рўзғор қилиб, ўғил ўстириб ҳузур-ҳаловат кўрмаган бу аёл ким? Нега у ўғлидан шикоят қилади, «қариганда шу иш муносибми ахир?» деб хўрсинади, афсуланади?

1954 йил сентябрь ойи эди. Прядильная кўчасида яшовчилардан бири тўй қилди. Салима хола тўйга борди. У тўй тугагач, уйга келди. Кўча эшиги берк бўлганидан қўшниники билан айланиб, девордан ошиб ҳовлига тушди. Шу вақт эшик очилиб, бир аркаш, бир аёл кўчага уриб кетди.

Жон ҳовучлаб қочган аркаш ким эди? Сиз балки бемаҳалда мўри мўраловчи саёқ йигит деб ўйларсиз? Йўқ. Бу бундан салкам ўттиз йил олдин Салимахон Юнусовага уйланган ҳушмўйлов, гапга чечан Абдуҳамид Иноғамов эди. Пиллар бирин-кетин ўтди. Қошқора сочлар мош-гурунч бўлди. Абдуҳамид ота билан Салима хола келин-куёв эмас, чолу-кампир бўлиб қолишди. Улар бир ёстиққа бош қўйганларидан бери ўтган вақт орасида 11 фарзанд туғилди. Бир қизни турмушга чиқариб, икки набирали бўлишди, келин кўришди.

Абдуҳамид ота ўғлини уйлантирди-ю, оиладаги тотувлик негизига болта урилди. У, созлаб қўйилган танбур сингари диринглаб ўзига аро берадиган бўлиб қолди. У илгарилари Салима холага «агар останадан ҳатласанг талогинг қўлингда» деб чигиришдан ўтказган бўлса, энди ликда «камирхон, қизингникига бориб ёт, кўзи ёриган» ёки «акаларингни бир бориб кўриб кел, бормаганингга анча бўлди, хафа бўлишади» деб лабидан «асал» томабошлади.. Хуллас Абдуҳамид ота У. билан енг ичида дон олишмоқчи бўлса, Салима холани бирор ёққа чиқариб юборар эди. Брок, касални яширсанг иситмаси ошкора қилади дегандек, ҳийла-найрангларнинг миси чиқди — Абдуҳамид отанинг ошиқи беқарор бўлиб қолгани ма'лум бўлди.

Сир очилгач, Абдуҳамид ота тирноқ остидан кир қидириб, «сен келинингга қаттиқ тегасан» деб Салима холани дўпослайбошлади. Бу билан ҳам ҳеч натижа чиқараолмагач, «камирхон»ни шартта уч талоқ қилди. Ёниб турган кўкрагига бир челак муздек сув сепиб, губордан чиққандай бўлди. У, келажакда оёғимга тузоқ бўлади, деб ўйлади шекилли 14 яшар қизи — Жамилани ҳам онаси билан ҳайдаб юборди.

Бу кўнгилсиз ҳодисадан кейин маҳаллада Фрунзе район (Прядильная кўчасидаги 114-нчи уйда) «нима дейсанки, Абдуҳамид ота қариганда қармоққа илиниб, фалончини яхши кўриб қолипти, қизи билан хотинини қувлаб юборипти» деган дув-дув гап тарқалди. Шундан сўнг чол маҳалладагилар, танини-билишларнинг та'наснидан қутилиш чорасини қидирабошлади. Ниҳоят шайтонга дарс берадиган Абдуҳамид ота бунга ҳам йўл топди. У кунларнинг бирида ўғли Абдувоҳидни чақириб:

— Агар онангга қин боқсанг, унга ён боссанг, сенинг ўғлингнг етти маҳалласидан воз кечаман. Агар менинг пушти камаримдан бино бўлган бўлсанг айтганимни қиласан, чизган чизиғимдан чиқмайсан. Онанг судга беринти, судда онангни жинни дейсан, тушундингми? — деди қўлини пахса қилиб.

Отанинг «марҳамати»дан бенасиб бўлишни истамаган иродасиз ўғил нима ҳам дер эди? Отанинг қўлидан ҳар иш келишига ишонади. Абдувоҳид «хотиним ёмон» деса отаси икки бети нақш олмадек, сочлари тобнинг тегиб турган яна бир қизни олиб бериши, «менга фалон парса керак» деса, йўқдан бор қилиб топиб келтириши мумкин. Шундай олиҳиммат отанинг саховатидан ким юз ўгиради дейсиз? Абдувоҳид отадан юқоридаги гапни эшиттач, икки қўлини кўксига қўйиб, қуллик қилди. Борди-ю, отаси бир тош йўлдан туриб, «Абдувоҳид» деб чақириб қолгудек бўлса, «лаббай отажон, хизмат?» деб олдида парвона бўлди.

Абдувоҳид онаси тўғрисида гапирар экан бундай дейди:

— Онамнинг ўзи бема'ни, мияси айнаб қолган. Отамнинг гапига кирмади... Унақа онанинг боридан йўғи яхши.

Оқ сут бериб катта қилган онанинг ўғилдан кўрган «яхшилиги», эшитган «раҳмати» шу! Фрунзе район 4-нчи халқ суди бўлими судига гувоҳ бўлиб бориб, «онам жинни, ҳеч қайсимизга кун бермаяпти» деган киши ҳам ана шу Абдувоҳиднинг ўзи эди. Салима хола Абдувоҳид туғилганда шундай бўладн деб ўйлаганмиди? Йўқ. Шу умид билан бешик қучоқлаб тунларни бедор ўтказганмиди? Йўқ. Салима хола «оғиримни енгил қилади, қариганимда ҳузурини кўраман» деб ўғлини кафтига кўтарди, ҳатто елни раво кўрмади. У ўғли улғайган сари бошн кўкка етди. Афсуски, йиллар ўтиши билан қўлидаги иш келганда ўғил онасини танимай қўйди. Фарзандлик номига доғ тушириб, онасига қўл кўтарди, беҳурмат қилди.

Онаси билан сингланси бу даргоҳдан барҳам еб сарсон бўлиб юрганига бир йилга яқинлашиб қолди. Брок отасининг «пушти камаридан бун'ёдга келган» Абдувоҳид онаси билан сингласига қия боқиш, ён босиш, ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳатто «ҳолинг қалай» деб ҳабар олгани ҳам йўқ. У ҳамон орқаворатдан онасига тош отиб, отасининг ноғорасига ўйнамоқда!

Узун қулоқ гапларга қараганда Абдуҳамид ота У. ни тарк қилиб, бошқасига кўнгил қўйипти. Шу кунларда оқ деса ўпкаси кўриниб, оғзидан чиққан алангага кетмондасига ёнармиш. Абдуҳамид бойваччага келин қидириб, совчилар ҳам бирнеча галошдан ажрашипти. Абдувоҳид бўлса янги, ёш онани қандай қутиб олиш кераклиги тўғрисида эртадан-кечгача режа тузар эмиш.

Қариб тийилмаган, ачиб суйилмаган дуралгор, 16-нчи ҳаммом ходими Абдуҳамид ота ва бағритош, номуссиз ўғил Абдувоҳид (11-нчи ҳаммом ходими) тўғрисида бундан ортиқ нима ҳам дейиш мумкин?

С. РАҲИМОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Хомларини ажратиб қўйиб, пишганларини еяверинг“

Газетанинг ўтган йил 18 декабрь сонида юқоридаги сарлавҳали материал босилган ва унда Тошкент шаҳар Ленин кўчасидаги 1-нчи кафеда чучварани хом-хатала пиширнб сотиш ва бошқа нуқсонлар танқид қилинган эди.

Ташкилдкомбинат директори ўртоқ Орифхоновнинг редакцияга хабар қилишича, текширишда газетада келтирилган фактлар тасдиқланган. Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари министрлиги чучварлар учун а'ло сифатли ун беришга махсус фонд ажратган. Чучвара қиладиган мол гўштига пиёз аралаштириш ва тайёрланган ҳом чучварани узоқ сақламаслик чоралари кўрилган. Булардан ташқари газета материали лабораторня ва чучвара цехи ишчи, хизматчилари ҳамда 1-нчи кафе коллективи ўртасида муҳокама қилиниб, аҳолига хизмат қилишни тубдан яхшилаш тадбирлари белгиланган.

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН

Йиғма темирбетон заводлари қурилишини тезлаштирайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳамда СССР Министрлар Советининг «Қурилишлар учун йиғма темирбетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш тўғрисида» деб чиқарган қарори чиққанига бир йилдан ошиқ вақт ўтди. Партия ва Ҳукуматнинг бу тарихий қарори мамлакатимиз қурилиш индустриясида кескин бурилиш ясади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ўзларининг бу қарорида мамлакатимизда бинокорлик ишларини кескин равишда ривожлантиришнинг конкрет программасини белгилаб берилар. Қарорда йиғма темирбетон колонналари, енгил ва говакли бетонлардан томлар учун ясалган яхлит тушамалар, зина поялари ва майдончалари, равоқлар, дераза плиталари ва фундаментларини бинокорлик ишларида кенг қўлланиш — қурилиш ишларини тубдан яхшилаш, иш сифатини ошириш, биноларнинг баҳосини камайтириш имконини беручи бирдан-бир ва тўғри йўл эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган эди.

Ўтган давр ичида мамлакатимизнинг барча районларида кўпгина темирбетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқарувчи заводлар қурилди ва улар бинокорлар учун дастлабки маҳсулотларни берди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, йиғма темирбетон конструкциялари, йиғма блокларни, ғудасиз материаллар, йиғма плиталарни, томга ёпадиган материаллар ва бошқа детальларни бинокорлик ишларида кенг қўлланиш кўплаб металл иқтисод қилиш имконини беради. Шу билан бирга биноларнинг мустаҳкамлиги ва чидамлилигини кўп жиҳатдан оширади, қурилиш ишлари сур'атини гоятда тезлаштиради.

Тошкент область ва Тошкент шаҳридаги қурилиш ташкилотлари Партия ва Ҳукуматнинг кўрсатмаларига амал қилиб, йиғма темирбетон конструкциялари ва деталларни тайёрловчи заводлар қуриш ишига киришдилар. Ўтган вақт ичида жуда кўп ёшлар комсомол путевкалари билан бундай заводлар қурилишига келдилар ва умумхалқ аҳамиятига эга бўлган бу ишда актив қатнашдилар.

Областимиздаги айрим қурилиш ташкилотлари йиғма темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаруви заводлар қурилиши соҳасида дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар. Жумладан, ўтган 1955 йилнинг охирларида Олмалиқ шаҳрида ана шундай заводлардан бирининг қурилиши тамомланди ва у фойдаланишга топширилди. «Алмалиқстрой» трестига қарашли бу завод ҳарбири ўн тоннадан юк кўтариш қувватига эга бўлган иккита кўприк кран билан ускуналанган бўлиб, йилига 15 минг кубометр йиғма темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаролади.

Завод меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга имкон беручи янги ва юқори иш унумли механизмлар билан ускуналанган. Корхона коллективи темирбетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқаришни тезлаштириш, унинг сифатини яхшилашга имкон беручи бирқанча муҳим ташкилий-техника тадбирларни амалга оширди. Завод ишчилари қисқа муддат ичида тузилиши жиҳатидан қийин ва мураккаб бўлган йиғма тўсиқ плиталари, томга ёпадиган материаллар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда. Ишлабчиқариш процессларининг деярли ҳаммаси механизмлар воситаси билан бажарилди.

Брок бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, темирбетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқарувчи заводлар қурилишида баъзибир силжишлар бўлса ҳам, умуман олганда бу соҳадаги ишлар шу кунининг талабларига тўла жавоб бермайди. Узбекистон Коммунистик партияси XIII с'ездида кўрсатиб ўтилганидек, йиғма темирбетон конструкциялар, блоклар ва бошқа прогрессив қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва уларни қурилишда татбиқ қилиш ишлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада кейинда қолмоқда. Бу жиддий камчиликларнинг юз беришида Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги билан бир қаторда проектлаш ташкилотлари, жумладан Гипростроймате риалнинг Тошкент филиали ҳам сабабчидир. Бу проект ташкилоти лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган муддатлардан жуда кечикиб тайёрлаш билан бирга бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўймоқда.

Министрликнинг ишлабчиқариш корхоналар бўлимининг раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Мжельский) техника ҳужжатларини пухта текширмай қабул қилиб олаберганлар. Шунинг оқибатида заводнинг энг муҳим цехлари қурилиши орқага судралмоқда ва кўпгина ўзгартишлар киритиш натижасида об'ектларнинг баҳоси белгиланганидан анча қимматлашмоқда. Лойиҳа-ҳужжатларидаги жиддий камчиликларни биноқорлар ўз вақтида министр ўринбосари ўртоқ В. А. Лебедевга хабар қилган эдилар. Брок ўртоқ Лебедев бу камчиликларнинг олдини олиш ва шу асосда қурилиш ишларини жонлантириб юборишга ёрдам бериш ўрнига, сигналларга бефарқ қаради. Министр ўринбосарининг бу муносабати давлатга жуда қимматга тушмоқда.

Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг Горсельстройснаб раҳбарлари (бошлиғи ўртоқ Белуджев) қурилаётган заводлари зарур ускуналар билан ўз вақтида та'минлашга етарли э'тибор бермаётирлар. Масалан, 1955 йил IV кварталида йиғма темирбетон заводларига зарур миқдорда электротехника ва технология ускуналари ҳамда кабель маҳсулотлари етказиб берилмади. Афсуски, бу камчиликлар 1956 йилда ҳам давом қилмоқда. Министрликнинг та'минот ташкилотлари қурилаётган заводларни ускуналар ва кабель маҳсулотлари билан ўз вақтида та'минламаётганлиги учун айни вақтда қурилиш ишлари билан монтаж ишларини бирлаштира олиб бориш имкони бўлмаётир. Узбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги йиғма темирбетон конструкциялари ва деталларни ишлаб чиқарувчи заводлар қурилишидаги камчиликларнинг тезда олдини олиши ва бу соҳада жиддий бурилиш ясаши лозим.

Ташгорстройтрест заводлар қурилишини тезлаштириш мақсадида бирқатор ташкилий тадбирларни белгилаб чиқди. Жумладан, шу йил январь ойида махсус 8-нчи қурилиш бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқарма — «Промстрой» темирбетон заводлари ва бошқа саноат корхоналарини қуради. Бунинг учун қурилиш бошқармаси бинокорлик материаллари, автотранспорт ва бошқа зарур нарсалар билан та'минланди.

Йиғма темирбетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш талаблари республикамиздаги илмий-текшириш институтлари, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иншоотлар институти ҳамда техника олий ўқув юртларининг илмий ходимлари олдига катта вазифалар қўяди. Фан ходимлари қурилиш соҳасидаги илмий-текшириш ишларини кучайтиришлари ва ишлабчиқариш ходимлари билан биргаликда фан ютуқларининг қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари практикасига кенг жорий қилинишини та'минлашлари лозим. Илмий-текшириш ташкилотлари йиғма темирбетон конструкцияларини ҳамда тез қотадиган цементларни қўллаб, бу конструкцияларни қурилиш ишларида кенг жорий қилиш учун ишлабчиқаришни технологиясини техника жиҳатидан янада такомиллаштиришлари ва шу асосда биноқорларимизга ҳартомонлама ёрдам беришлари зарур.

Афсуски, биз илмий-текшириш институтларидан ҳали етарли ёрдам олаётганимиз йўқ. Фан ходимлари қурилиш практикаси томонидан қўйилаётган проблемаларни ҳал қилиш ва зарур текширишлар олиб бориш устида жуда суст ишламоқдалар. Олимларимиз биз биноқорларга йиғма темирбетон буюмлари тайёрлаш технологияси муддатини қисқартириш йўлларини ишлаб чиқишда ҳамда уларнинг сифатини тубдан яхшилашга ҳартарафлама ёрдам беришлари керак. Илмий-текшириш муассасалари ва техника олий ўқув юртларининг илмий ходимлари билан биноқорлар ва қурилиш материаллари саноати ходимлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни ҳартомонлама мустаҳкамламасдан туриб, Партия ва Ҳукумат томонидан қўйилаётган гоят катта вазифаларни бажариб бўлмайди.

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1956—1960 йилларга мўлжалланган олтинчи бешйиллик планн юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проектида кўрсатиб ўтилганидек, олимларнинг бутун куч-ғайратини ва илмий-текшириш муассасаларидаги модий ресурсларни биринчи галда халқ ҳўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий проблемаларни ишлаб чиқишга сафарбар қилиш, илмий тадқиқотларни тезликда охиригача етказиш ва унинг натижаларини практикага жорий қилиш муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Бунинг учун илмий-текшириш муассасаларини ишлабчиқариш базасига яқинлаштириш, халқ ҳўжалигини янада ривожлантириш учун илмий-текшириш ишларини бажаришга олий ўқув юртларини кенг жалб қилиш лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг Директивалари проектида мамлакатимизда капитал қурилиш ва қурилиш индустриясини янада зўр бериб ривожлантиришнинг конкрет йўллари белгилаб берилган. Директивалар проектида йиғма темирбетон конструкциялари ва деталларни, енгил бетонлардан, катта блоклардан ва заводда тайёрланган узеллардан ишланган конструкцияларни кенг қўллаш йўли билан ҳамда қурилишни комплекс механизациялаш йўли билан биноқорлик ишларини тобора индустриаллаштириш — қурилиш ташкилотларини олдига энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Қурилишларда индустриал методларни кенг жорий қилиш учун аввало мустаҳкам техника базасини вужудга келтириш керак. Шу сабабли ҳам областимиздаги йиғма темирбетон конструкцияларн ва деталларни ишлаб чиқарадиган заводлар қурилишини бутун чоралар билан тезлаштириш ва уларни имкон борича қисқа муддат ичида фойдаланишга топшириш лозим. Шундагина қурилиш участкаларини заводларда тайёрланган узел ҳамда деталларни йиғиш-монтаж қилиш участкаларига айлантириш ва шу асосда биноқорлик ишларида тубдан бурилиш ясаш мумкин. Фақат шу йўл бланнинг саноат корхоналари, уй-жой биноларн, мактаб, клуб, касалхона, болалар боғчаси ва ялиларн ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бошқа биноларнинг сур'атини тезлаштириш, уларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш, биноларнинг сифатини яхшилаб, уларнинг таннархини камайтириш мумкин.

Ш. ХЎЖАЕВ,

Тошкент шаҳар қурилиш трестининг бош инженери.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг сессияси

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг 8 февральда еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия Ўзбекистон пойтахтида уй-жой қурилиши, маданий-маиший қурилиш ва пойтахтни обод қилиш юзасидан 1956 йилда ўтказиладиган тадбирлар тўғрисидаги, Тошкентнинг 1956 йилги бюджети ҳақидаги ва 1955 йилги бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Докладчилар — шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси М. Т. Турсунов ва шаҳар молия бўлимининг мудири А. Н. Назиров ҳамда музокараларда сўзга чиққан депутатлар олтинчи бешйиллик план юзасидан КПСС XX с'ездининг Директивалари проектини Тошкент меҳнаткашлари қизғин равишда қутиб олганликлари тўғрисида гапирдилар. Улар Иттифоқ Ҳукумати Ўзбекистон пойтахтини обод қилиш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётганлигини таъкидладилар. СССР Министрлар Совети бу мақсад учун қўшимча суратда 35 миллион сўм маблағ ажратди, шу муносабат билан шаҳар хўжалигини ривожлантириш учун сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий миқдори ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпаяди.

Депутатлар бюджет проектини муҳокама қилганларида ажратилган маблағлар халқ хўжалигини янада юксалтириш ва меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда маданий савиясини юксалтириш юзасидан олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида қўйилган вазифаларга жавоб беради, деб таъкидладилар. Депутат И. Г. Новиков томонидан қилинган шаҳар Совети бюджет комиссиясининг қўшимча докладида ва бирқанча депутатларнинг сўзларида шаҳар корхоналари ва муассасаларининг ишларидаги камчиликлар танқид қилинди, бюджет маблағларидан яхшироқ фойдаланиш юзасидан амалий таклифлар киритилди.

Депутатлар Л. И. Бобович, М. Мирхўжаев, В. С. Силантьев ва бошқалар ўз сўзларида шаҳар Совети ижроия комитетининг бўлимларини капитал қурилиш, меҳнаткашларнинг квартираларини ремонт қилиш ҳамда Тошкентни ободлаш ишларига суст раҳбарлик қилаётганликлари учун танқид қилдилар. Шу нарса мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдирки 1955 йилда баъзи корхоналар ва ташкилотлар уй-жой қурилиши учун ажратилган маблағларнинг анча қисмидан фойдаланмаганлар, шунингдек болалар муассасалари ва маданий- маиший об'ектлар қурилиши учун ажратилган анча маблағлардан фойдаланмаганлар. Ободончилик бошқармаси ва шаҳар уй-жой қурилиши бошқармасининг ишидаги жиддий камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

Сессия шаҳарнинг 1956 йилги бюджетини даромадлар ва харажатлар бўйича 405.569 минг сўм миқдорида тасдиқлади. Бюджетнинг умумий ҳажми 1955 йилдагига нисбатан 50 миллион сўмдан кўпроқ ортади. Ажратилган маблағларнинг 96 процентидан кўпроқ қисми халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун ва социал-маданий тадбирларга сарф қилинади. Уй-жой маиший қурилиш учунгина 122 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаш кўзда тутилади.

Олтинчи бешйилликнинг биринчи йилида Тошкентда 80 минг квадрат метр, я'ни ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпроқ уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилади. Шаҳарда икки қаватли уй-жой бинолари, мактаб бинолари, болалар муассасалари ва медицина муассасалари, янги кино-театрлар ва кутубхоналар қурилади. Телевизион марказ, Ўрта Осиёда энг катта «Пахтакор» стадионининг биринчи навбат қисми, водопровод тормоқлари анча кенгайтирилади. Троллейбус парки қурилиб битказилади, янги трамвай излари ётқизилади, Октябрь, Куйбишев ва Сталин районларида учта ҳаммом, Москва районида ҳаммом-кирхона комбинати қурилади.

Республика пойтахтини янада обод қилиш юзасидан катта ишлар кўзда тутилган. 830 минг квадрат метр кўча, майдон ва тротуарларга асфальт ва тош ётқизиш, шаҳар магистральларининг ёритилишини яхшилаш, 34 километрдан ортиқ ирригация тоҳобчаларини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланган. Шаҳарни кўкаламзорлаштириш ишларининг ҳажми анча кенгайтирилади.

Сессия қурилиш ишларининг сур'атини тезлаштириш тадбирларини ишлаб чиқди. Қурилиш ташкилотларининг йириклаштирилиши техникадан тўла фойдаланишга, қурилиш ишларида индустриал методларни кенг қўлланишга ёрдам беради. «Главташкентстрой» ягона трести тузилади. Типовой проектлар кенг миқ'ёсда қўлланилади. 1956 йилда битум заводининг қуввати оширилади, йилнинг биринчи ярмида толь фабрикаси қурилиб бўлади. Темирбетон конструкциялар ишлаб чиқариш учун полигон типидаги завод ва иккита корхона ишга туширилади.

Сессия ташкилий масалаларни ҳам кўрди. Ўртоқ Н. Я. Тожибоев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар ижроия комитети Маданият бошқармасининг бошлиги вазифасидан озод қилинди. Маданият бошқармасининг бошлиги қилиб Х. Х. Донская тасдиқланди. Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиги И. С. Лебедев ишдан озод қилинди. Шаҳар уй-жой бошқармасининг бошлиги қилиб А. Ваҳобов, ободончилик бошқармасининг бошлиги қилиб Х. К. Комилов тасдиқланди. Шаҳар Советининг социал та'минот доимий комиссияси раиси В. В. Яворский бошқа жойга кўчиб кетиши муносабати билан ўз вазифасидан озод қилинди. Социал та'минот доимий комиссиясининг раислигига А. В. Павлова тасдиқланди. (ЎзТАГ).

Киномеханикларнинг область кенгаши

Тошкентда киномеханикларнинг область кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида район маданият бўлимларининг мудирлари ҳам қатнашди. Кенгашда область маданият бошқармаси кинолаштириш бўлимининг мудири Ўртоқ Анваров областьда кино хизмати кўрсатишнинг 1955 йилги якуни ва 1956 йилда киномеханиклар олдида турган вазифалар ҳақида доклад қилди. Докладчи 1955 йилда область бўйича кино кўрсатиш давлат плани муддатидан илгари бажарилганлигини, Мирзачўл, Бекобод, Верхне-волинск, Қорасув, Калинин, Оржоникидзе районларининг маданият бўлимлари кино кўрсатишда айниқса яхши кўрсаткичларга эришганликларини айтиб ўтди.

Броқ айрим район маданият бўлимлари аҳолига кино кўрсатиш ишида ҳали ҳам жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Масалан, Оққўрғон, Паркент, Октябрь, Пискент ва Тошкент районларининг маданият бўлимлари меҳнаткашларга кино кўрсатишни яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширмаётирлар, киномеханиклар эса ўз вазифалари устида мас'улиятни ҳис этмайдилар. Шу туфайли бу районларда кино кўрсатиш йиллик плани бажарилмай қолди.

Докладдан сўнг қизғин музокаралар бўлди. Сўзга чиққан ўртоқлар область маданият бошқармаси, унинг кинолаштириш бўлими, Узглавкинопрокат контораси ва Ўзбекистон кинолаштириш бош бошқармаси ишидаги жиддий хато ва камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар.

Кенгаш охирида район маданият бўлимлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг ўтган йилги якунлари кўриб чиқилди.

С. УСМОНХЎЖАЕВ.

Кўклам экиш кампаниясига ҳартарафлама пухта тайёрланайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Ер ҳайдаш ҳартомонлама кўчайтирилсин


Область колхозларида 5 февральгача умумий экин майдонларининг 71,5 процента ҳайдалган, холос. Январьнинг охирги ва февральнинг дастлабки ҳафталарида об-ҳаво шароитининг қулай бўлишига қарамасдан, кўпгина районларда ер ҳайдаш ишлари қизитилмаётир, ишнинг сур'ати жуда паст. Масалан, ўтган бешкунлинда умумий экин майдонларининг атиги 0,8 процента, пахта майдонларининг эса 1,6 процента ҳайдалган.

Бекобод районидаги 1-нчи МТС зонасида бешкунлинда пахта майдонларининг 13 процента, Ховос районидаги 2-нчи МТС зонаси 7 процент ер ҳайдалган ҳолда, ер ҳайдаш планини энди 6,1 процент бажарган, Ховос район 1-нчи МТС зонасида бир гектар ҳам ер ҳайдалмаган. Бошқа кўпгина МТС зоналарида ҳам ер ҳайдаш тўхталиб қолган.

Бундай ҳолни колхозларда ҳам кўрамиз. Масалан, Чиноз районида «XIX партс'езд» колхозида ер ҳайдашнинг бориши жуда ёмон. Колхозда ер ҳайдаш плани 51 процент бажарилган бўлса, ўртоқ Ҳолматов бошлиқ участкада 600 гектар майдоннинг 480 гектари ҳайдалмаган. Шу участкадаги ўртоқ С. Алиёров бошлиқ бригаданинг 101 гектар ерига ҳали трактор киргмаган. Бу ҳол шуни кўрсатаётирки, кўпгина МТС-лар ва улар зонасидаги колхозларнинг раҳбарлари ҳозирги ғанимат кунларнинг қадрига етмаётирлар, кўклам экин кампаниясига тайёргарлик кўришдаги энг муҳим тадбирни амалга оширишга бутунлай мас'улиятсизлик билан қарамоқдалар. Ма'лумки, ер ҳайдаш ишига шу хилда муносабатда бўлиш оқибатида ернинг экишга сифатли тайёрланмай қолиши, намнинг йўқолиши, экин кампанияси даврида сун'ий қийинчиликлар рўй бериши мумкин.

КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага кўшилган областимиз илғор колхозлари мамлакатимиз тараққиётининг олтинчи бешйиллик плани улуғвор вазифаларини бажариш учун курашмоқдалар. Уларда дала ишлари планли равишда олиб борилмоқда. Барча колхозларда ҳам илғор район ва колхозларнинг тажрибасидан фойдаланиб, дала ишларини намунали қилиб, уюштиришлари, ер ҳайдашни ҳамма жойда кенг кўламда қизитиб юбориб, бу муҳим ишни тез кунда тугаллашлари керак.

Ер ҳайдаш сифатига алоҳида э'тибор бериш керак. Ҳамма ер белгиланган чуқурликда, чала қолмасдан тўла-тўкис ҳайдалиши шарт. Ана шундагина биз 1956 йилда пахта ва бошқа экинлар ҳосилини ошириб, ўз зиммамизга олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.



Ўртачирчиқ районидаги 1-нчи МТС механизаторлари сеялкалар ремонтини муддатидан илгари тамомлаб, колхозларга жўнатиш учун тахт қилиб қўйдилар. **Суратда:** (чапдан) сеялкаларни узел методи билан ремонт қилиш бўлимининг бошлиғи **С. Пак**, тракторчилардан **Я. Содиқов, Р. Умурзоқов** ўртоқлар колхозларга жўнатиладиган сеялкаларни кўздан кечирмоқдалар.

В. Салов фотоси.

ТРАКТОР МОТОРЛАРИ РЕМОНТИ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Мирзачўл мотор-ремонт заводининг коллективи ишлабчиқаришни тўғри ташкил этиш, рационализаторлар таклифларини кенг жорий қилиш орқали 1955 йилда дурўст натижаларни қўлга киритган эди. Завод ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича давлат планини 102 ярим процент, товар маҳсулоти бўйича 103 процент бажарган эди.

Афсуски, завод раҳбарлари ютуқлар билан мағрурланиб кетиб, эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлашни унитиб қўйдилар. Ишчилар ўртасида меҳнат интизоми бўшашди, ишда контрольник ва талабчанлик сезилмай қолди. Натижада январь ойи давлат плани бажарилмади. Масалан, план бўйича завод январь ойида МТСлар учун 50 та трактор ва 10 та автомашина моторини ремонт қилиб бериши керак эди. Лекин, завод раҳбарлари бу муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўйдилар, шу сабабли 15 та трактор, 5 та автомашина мотори ремонтдан чиқмай қолди.

Завод директори ўртоқ Д. Востягин ишлабчиқаришни ёмон уюштирганлигини ҳархил баҳоналар билан хас-пўшламоқда. Унинг айтишича, гўё МТСлар ремонт қилинадиган моторларни юбормаётган эмишлар. Ҳолбуки заводнинг мотор цехида (цех бошлиғи ўртоқ Е. Жемарцев) ҳали ремонт қилинмаган кўплаб трактор ва автомашина моторлари ётишти.

Тўғри январь ойида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 100 процент қилиб бажарилди. Лекин бу план фақат қўйиш цехи ҳисобига бажарилиб, мотор цехида эса план фақат 70 процент бажарилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Ремонтдан чиқарилиб» МТС дарга юборилаётган моторларнинг яхши ишламаётганлиги ҳақида завод директорисига кўплаб шикоятлар келмоқда. Яқинда Мирзачўл районидаги 1-нчи МТС дирекцияси ҳам ремонт қилиб юборилган моторнинг сифатсизлиги ҳақида шикоят қилди. Броқ завод дирекцияси бу шикоятларга э'тибор бермаётир.

Заводда қадрлар малакасини ошириш билан ҳам етарли шуғулланилмаётир. Маҳсус курс, ҳафталик семинарлар ташкил қилинмаган. Ишлабчиқаришга, илғорлар тажрибасини кенг ёйишга қаратилган суҳбат ва лекциялар камдан-кам уюштирилади.

Ремонтдан чиқарилган трактор ва автомашина моторларини синаб кўриш учун мўлжалланган бино қурилиши ҳали тугалланмаган. Бунинг сабаби шуки, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Главремонт» бошқармаси (вақтинча бошлиғи ўртоқ Николай Крилов) бино учун зарур бўлган қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб бермаётир.

Мирзачўл мотор-ремонт заводи дирекцияси йўл қўйилаётган ана шу камчиликларни тезда бартараф қилиш тадбирларини кўришлари, областимиз МТС лари учун зарур бўлган трактор моторларининг ремонтини ўз вақтида сифатли қилиб бажаришлари керак.

З. ВЕРГАЗОВА,
У. ЖОНГИТОВ.

Чигитни квадрат экиш учун тайёргарлик

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз а'золари 1956 йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаш мақсадида дала ишларини ҳартомонлама кучайтириб юборадилар. Ғўзаларни янги усулда ўтиришнинг афзаллигини ўз тажрибаларида кўрган колхоз а'золари бу йил пахта майдонларининг 80 процентига чигитни квадратуялаб экишни планлаштирдилар. Бу планни амалга ошириш учун далалар текисланмоқда, ариқ-зовурлар тозаланиб кўклам экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилмоқда. Колхоз омборига ва далалар бошига 700 тоннадан ортиқ минерал ва маҳаллий ўғитлар ташиб чиқарилди.

Шунингдек райондаги «XIX партс'езд» колхозида ҳам дала ишлари намунали олиб борилмоқда. Ҳозир 8 та автомашина, 30 та арава дала ишларига жалб этилган. Далалар бошига 380 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Давлат томонидан берилган минерал ўғитнинг 70 проценти ташиб олинди. Ариқ, зовурларни тозалаш ишлари ҳам зўр уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

М. ЮСВАЛИЕВ,
Ғ. КУЗИЕВ,
М. ҲАСАНАЛИЕВ.

1956 йил мўл ҳосили учун тараддуд

БЎКА. Қўрақўйли қишлоқ советидаги Малеков номли колхознинг меҳнатсевар а'золари партиямиз XX с'ездини меҳнат вахтасида туриб, янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун курашмоқдалар. Колхоз а'золари бу йил пахтадан янада мўл ҳосил етиштириш учун қишки дала ишларида барча ички ғучи ва моддий-техника воситаларидан тўла ва унумли фойдаланиб, ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. 3800 метр узунликдаги ариқ-зовурлар тозалаб қўйилди. 220 тонна минерал ўғит ташиб олинди, 630 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит далаларга ташиб чиқарилди.

И. Исматов.

ВЕРХНЕ-ВОЛИНСК. Районда анчагина салмоқли ўрин эгаллаган «Қизил Октябрь» колхози ўтган йили 1150 гектар пахта майдонида янги, прогрессив усулни қўлланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга эришган эди.

Шу кунларда колхоз а'золари қишки дала ишларида ҳарқачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар. Айниқса далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, суғориш тормоқларини тозалаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатларини яхшилаш ишлари жуда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Дала ишларини социалистик мусобақа асосида ташкил қилган Ноила Багданова, Абдумутал Тешабоев ўртоқлар бошлиқ звено а'золари бу йил пахта майдонларининг ҳар гектаридан она-Ватанимизга камида 40 центнердан ҳосил топшириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

П. Тўраев.

ОҚҚЎРҒОН. 80 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Ленин номли колхознинг ўртоқ У. Абдурахмонов бошлиқ бригада а'золари ариқ-зовурларни тозалаш ва далага ўғит чиқариш топшириқларини ошириб бажармоқдалар.

Шунингдек райондаги Сталин номли колхознинг ўртоқ У. Мусоқов бошлиқ бригада а'золари ҳам 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил етиштириш учун қишки дала ишларини кундан-кун кучайтирмоқдалар.

М. Ҳамзафаров,
П. Эргашев.

Кўкламга тайёргарлик қизитилмоқда

Оржоникидзе районидаги Охунбобоев номли колхоз а'золари ўтган йил 460 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил топшириб, давлат планини 105 процент бажарган эдилар. Колхоз а'золари бу йил пахта майдонларини 500 гектарга кенгайтириб, ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Бу йил 250 гектар ерга чигит квадрат-уялаб, қолган ерларга торқаторлаб экилади.

Колхозда пахта майдонлари ўтган кузнинг ўзидаёқ ўғитланиб, сифатли шудгор қилиб қўйилган. Ҳозир колхозчилар давлат томонидан берилган минерал ўғитни ташиб олиб, шу билан бирга 1180 тонна маҳаллий ўғит жамғариб қўйдилар.

Колхозда ариқ-зовурларни тозалашда 200 киши ишламоқда. Улардан 70—80 киши кунлик нормани 1,5—2 ҳисса қилиб бажармоқда. Колхозчилар ариқ-зовурлар тозалаш ишини шонли партиямиз XX с'езди кунигача тугаллаш учун курашмоқдалар.

Д. СОДИҚОВ.

Ф. М. Достоевский


Улуғ рус ёзувчиси Федор Михайлович Достоевский вафот этган кунининг 75 йиллигини Тинчликни ҳимоя қилувчи Жаҳон комитетининг қарорига мувофиқ бутун прогрессив инсоният нишонлаб ўтаётир. Ёзувчининг номи ҳарбир маданиятли киши учун инсонни эзувчи, инсоният тараққиётига гов бўлувчи қора кучларга қарши кураш символи сифатида қадрлидир.

Достоевский 1821 йилда москвали врач оиласида туғилди. Унинг отаси ўз болаларини виждонли, меҳнатсевар кишилар қилиб тайёрлашга ҳаракат қилди. Достоевский ёшлигиданоқ китоб ўқишга зўр муҳаббат руҳида тарбияланади. 14 ёшли Достоевский Москвадаги энг яхши пансионлардан бирига киради, 1837 йилда эса у, Петербургдаги инженерлар ўқув юртига юборилади. Ёш Достоевскийнинг ташвишли, мустақил ҳаёти бошланади. Камбағал студент бир бурда нонни ҳам зўр қийинчилик билан топишга мажбур бўлади. 1843 йилда у инженерлар корпусига ишга киради. Достоевский бу ерлаги майда чиновниклик хизматини унча ёқтирмайди-да, тезда отставкага чиқади.

1844 йилда Достоевский ёзувчилик билан шуғулланабошлайди. Бир йилдан сўнг ёш ёзувчининг дастлабки асарлари муваффақият қозонади. У «Ғақир кишилар» романини ёзади. Бу роман Некрасов томонидан 1846 йилда «Петербург тўплами»да э'лон қилинади. Некрасов авторнинг истеъдодига ва у ёзган асарнинг аҳамиятига юксак баҳо беради. У Достоевскийни Белинский билан таништиради. Уларнинг асосий масалаларга қарашлари бир хилда эканлиги ма'лум бўлади. «Ғақир кишилар» романи Белинский тарғиб қилиб келаётган илғор идеялар натижасида майдонга келган эди. Улуғ рус танқидчиси Белинский ёш қудратли талантнинг туғилишидан гоят севинган, ўзи тарғиб қилиб келаётган илғор ғояларнинг янги бир ёзувчи томонидан ёйилишини мумкинлигидан қувонган эди.

«Ғақир кишилар» китобининг бош қаҳрамони қашшоқлик ва ҳуқуқсизлик исканжасида эзилган майда чиновник Макар Девушкиндир.

Достоевский бу образ орқали қувончсиз, мухтожликлар ичидаги ҳаётнинг, ақлий жиҳатдан ривожланиш мумкин бўлмаган шароитдаги ҳаётнинг киши қалбини қалок қилаолмаслигини кўрсатиб берган эди. Достоевский ўз китобидаги қаҳрамонларнинг ҳаёти орқали эзилган, азоб ва уқубат чеккан кишилар ҳаётликка, ўзларига ўхшаган кишилар билан фикрдош бўлишга ҳаракат қиладилар, деган тезисни олга сурган эди. Ўзининг ма'навий эҳтиёжлари қондириш имкониятига эга бўлмаган, чегараланган камбағал чиновник Макар Девушкин ўз ўртоқларига ёрдам беришга ҳаракат қилади. У бошқаларнинг ғамташвишларини ҳам чекади. Ўзининг ночор ва аянчли аҳволда бўлишига қарамасдан, у, бечора, ғақир кишиларни ҳимоя қилишга тайёр. Макар Девушкин севимли ёри Варенька Добрословага нисбатан ҳам худди шундай муносабатда бўлади. У Горшковнинг тақдирига самимий ачинади, унга қайғиради. Макар Девушкин Горшковга ўзининг сўнгги чақаларини ҳам беради.



Ёзувчи Девушкинни «Ғақир кишилар» романининг иштирок этувчи шахсларига ўхшаган бир киши эканлигини та'кидлаб ўтади. Студент Покровский ҳам шундай одам. Покровскийнинг билим даражаси, савияси бирмунча кенг бўлса-ҳам, унинг соф қалби, виждонлилиги, олижаноб ва саховатлилиги уни Девушкинга яқинлаштиради. Лекин Макар Девушкиннинг тақдири инсон табиатига хос бўлган олижаноб фазилатларнинг ўзи шодлик ва бахт келтирмаслигини кўрсатади. Девушкиннинг муҳтожлиги уни ўз келажаги ҳақида доим қайғиришга мажбур қилади. Варвара Добрословага бўлган муҳаббатида Макарнинг ғақирлиги яққол сезилади, у, ёлғизлик, ўз шахсини та'кидлаш орқали муваффақиятга эришаман деб ўйлайди. Лекин ўзининг ҳаддан ташқари ғақирлиги натижасида ҳатто уйланишга ҳам муваффақ бўлаолмайди. Достоевский ўз романининг ҳарбир сатрида Девушкиннинг ночорлигига, ёлғизлигига ва чегараланганлигига муҳит, ижтимоий тузум айбдор, Вареньканинг тушкунлигига ҳам ўша шароит айбдор, Девушкиннинг ичкиликбозликка берилишига ва бошқа жиноий ишларига капиталистик тузум айбдор деб та'кидлаб ўтади. «Ғақир кишилар» романининг ҳарбир саҳифасида бўйин эгиш ва ма'навий тушкунлик эмас, балки бутун ижтимоий ҳаётни қайта қуришга чақириқ оҳанги жаранглаб туради.

Достоевский қалбида етилган ижтимоий тузумдан норозилик туйғулари ёзувчини Петрашевский тўгараги билан яқинлаштиради. Бу тўгаракнинг а'золари крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши, матбуот ва адабиёт эркинлигини истар эдилар. Петрашевский тўгараги қирқинчи йилларнинг иккинчи ярмида Россиядаги революцион ҳаракатнинг илғор маркази эди.

Достоевский бу тўгаракда қатнашганлиги учун 1849 йилда бошқа петрашевчилар билан бирга қамалади ва чор ҳукуматининг суди уни вақтинчалик ўлимга ҳукм қилади. Достоевскийга отилиши олдидангина ўлим жазоси умрбод қаторга билан алмаштирилганлигини айтадилар. Ёзувчи узоқ Сибирь сургунида 9 йилгача оғир ишларда бўлди. Достоевский 1859 йилдагина яна ижодий ишга қайтади. У янги таассуротлар асосида «Ўликхонадан эсдаликлар» асарини ёзабошлайди.

Достоевский 1860 йилдан кейингина, жуда кўп ҳаракати натижасида Петербургга қайтишга рухсат олади. Ҳаётнинг ачиқ сабоқларида тобланган, ҳартомонлама етилган Достоевский ёшлигидаги орзусини амалга ошириш учун, я'ни инсоннинг қадр-қиммати учун курашмоқ мақсадида пойтахтга келади.

У 1866 йилда энг яхши романи «Жиноят ва жазо» деган асарини ёзади. Романнинг марказий персонажи — Радион Раскольников ғақирликда ёзилган кишиларнинг символи. У ўқишга ҳақ тўлайолмаганлиги учун университети ташлаб кетишга мажбур бўлади. Унинг онаси ва синглисига очлиқ таҳдид қилади. Дунечка Раскольниковага ғақат битта йўл — фоҳишалик йўли қолади. У ўзининг ягона акаси туфайли шу йўлга киришга мажбур бўлади. Аммо синглиси ва онасини чексиз севган мағрур Раскольников бунга йўл қўяолмас эди. Ўзини ва синглисини сотиш Раскольников учун ма'навий ҳалокатга рози бўлиш деган сўз эди.

Талантли ёзувчининг қудратли қалами билан чизилган ана шу кенг манзара Раскольниковга ўхшаган одамларни жиноятга йўллайдиган реал муҳитни яққол акс эттирган эди. У бой жампирнинг мол-мулкини қашшоқликда ҳалок бўлиш олдида турган мингларча қишиларга бўлиб бериш учун уни ўлдиришга қарор қилади. Бу буржуа жамиятига қарши буржуа-анархистча норозилик, броқ ахлоқсизлик ва жиноий норозилик ифодаси эди. Бундай норозилик хўрланган ва таҳқирланган ғақир кишиларга зарар келтирар эди. Достоевскийнинг энг чуқур ма'юли ва реалистик асарида акс этган об'ектив ҳақиқат мана шундай эди. Автор реалистик картиналарда зўрликка таянган жамиятда ипповчиларнинг эзилишини, бу жамият туғдирган антигуманистик идея ва кайфиятларни акс эттириб берди.

1867 йилда Достоевский чет элга бориб, тўрт йил юради. У чет элда ҳам яхши кун кўрмади. Тартибсиз кўчманчилик ҳаёти, ватанни қумсаш, пулсизлик Достоевскийни қаттиқ азади. Достоевский чет элда «Иблис», «Абадий эр» каби машҳур асарларини яратади.

«Иблис» романининг бош қаҳрамони саводсиз, касалманд ва бахтсиз князь Лев Николаевич Мишкиндир. Мана шу одам атрофини ўраб олган ҳамма саводли кишилардан донороқ бўлиб чиқади. Нима учун шундай бўлади? Достоевский буни тушунтириш учун Мишкиннинг инсоний фазилатларини очиб беради. У бегараз, ҳарқандай агоистик интилишлардан холи ва айниқса пулни унча севмайдиган киши. Мишкин самимий, ғақат ҳақиқатни гапирадиган, одамларни севадиган шахс.

Роман сюжетининг асосини Настасья Филипповнанинг ғожиали таҳдири ташкил этади. Бунда князь Мишкиннинг роли катта.

Настасья Филипповнани образи ғожиали хотин-қизларнинг жаҳон адабиёти яратган энг кучли образларидандир.

Ҳарқандай гўзал нарсаларнинг ишқибози, келишгангина барин Афанасий Иванович ўз именисига борганида чиройли, ўникки яшар деҳқон қизини кўз остига олиб қўяди. Унинг бийғуни билан қизини унга атаб қурилган махсус бинода тарбиялайбошлайдилар. Барин Настасья Филипповна менинг севгилим бўлади, деб ўйлаган эди. Лекин шунда Афанасий Иванович ўзининг қиз томонидан нафрат билан қарилигини ўзига ишонч ҳосил қилади. У бой қизга уйланиш учун Петербургга кетади. Лекин Настасья Филипповна ўз номусини булғаган кишидан ўч олишга қарор қилади. У барининг никоҳига йўл қўймаслик ва унинг ҳаётини оғирлаштириш учун Петербургга боради.

Афанасий Иванович Настасья Филипповнанинг гўзал қўтирноқ эмаслигига, пулга учмайдиган, мағрур ва софдил аёллигига ишонч ҳосил қилади.

Настасья ҳаёт томонидан ифлослик қучоғига ташланган бўлишига қарамай мағрур, софдил аёл эди. У ўша жамиятнинг пасткашлик, алдамчиликларига нафрат билан қарар, уни олиш-сотиш қуролига айлантирмоқчи бўлган барча бойвуччалардан устун турар эди. Настасья Филипповнани ярамас кишилар ўраб олиб, уни ақлдан оздиришгача боришди, сўнг уни ҳалок қилишли. Бу разилликни Афанасий Иванович бошлаб, саводсиз Рогожин охирига етказди. Романнинг охирида китобхон Рогожин билан Мишкинни ўлдирилган Настасья кровати ёнида кўради. Мишкиннинг Настасья ёнига келиши унинг ҳаётини ўзгартиролмади, яхшилайолмади ҳам. Настасья ўша одамлар ичида энг виждонли, бегараз, олижаноб деб билган Мишкиннинг таклифини рад этиб, унга турмушга чиқишга рози бўлмайди. Настасья Филипповна Мишкиндан бу олижаноб фазилатлардан ташқари яна юксак мақсад учун курашиш зарурлигини ҳам талаб қилади. Лекин бу нарса унда йўқ эди.

Достоевский бутун роман давомида князь Мишкиннинг тамоман ҳалокатга учраши муқаррарлигини э'тироф этишга мажбур эди. Мишкин ўзининг Настасья Филипповнага бирор ёрдам беришидан ожиз эканлигини сезиб, ўзини ўзи ўлдиради.

Настасья Филипповнанинг ўлими бутун капиталистик жамиятга, бу жамиятнинг сохталик, ёлғончилик каби найрангларига, пулнинг ҳукмронлигига қарши исёнинг ифодаси эди. Бу таҳқирланган гўзалликнинг, оёқ-ости қилинган инсонийликнинг, хўрланган латофатнинг исёни эди. Достоевский ҳам Настасья билан бирга исён кўтаради!

Ёзувчи «Иблис» романида одамнинг инсоний фазилатлари учунгина уни оқлайди. У инсон ҳуқуқларининг қадрланиши учун одил жамият тузишни талаб қилди. Достоевский ижоди ва дун'ёқарашида катта қарама-қаршиликлар бўлишига қарамай, у, ана шу фикрни олга суради.

«Иблис»дан кейин ёзилган «Ака-ука Карамазовлар», «Подпольдан эсдаликлар» «Жинлар» романлари Достоевскийнинг энг тенденциоз асарларидир. Бу асарларда ёзувчи қатор реакцион фикрларга, жиддий хатоликларга йўл қўйди. Лекин ёзувчи бу асарларида ҳам ўз талантининг қудратли кучини намойиш қилаолди.

Достоевский бутун дун'ёнинг тартибсиз бўлишидан, зўравонликнинг ҳукмронлигидан, ҳамма нарсага ҳайвоний душманчилик, ёвузлик, ифослик ҳукмрон бўлиб олишидан кўрққан эди. У ёвуз ҳайвонни енгиш учун инсоният куч йўқ деб қатгиқ ташвишланган эди.

Лекин тарих халқ енгаолмайдиган нарса йўқ эканлигини тасдиқлади. Ғалаба инсонни таҳқирловчиларга қарши, капиталистларга қарши мардона курашганлар қўлида қолди. Уларнинг сафида Федор Достоевский ҳам ўзининг гениал асарлари билан бирга курашди. Достоевский номи билан бизнинг улуғ Ватанимиз ва барча мамлакатлардаги тинчликсевар кишилар фахрланадилар.

Я. СИМКИН.

СОВЕТ-ПОЛЬША САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

1956 йил 8 февральда Москвада Совет-Польша савдо музокаралари муваффақиятли тамом бўлганлиги натижасида СССР билан Польша Халқ Республикаси ўртасида 1956 йилда бир-бирига товар етказиб бериш тўғрисида Протокол имзоланди.

Совет Иттифоқи Польша Халқ Республикасига темир рудаси, марганец рудаси ва хром рудаси, пахта, нефть ва нефть маҳсулотлари, саноат ускуналарининг ба'зи турларини, кемасозлик листи, рангли металлар, ферросплавлар, ўғитлар, химикатлар ва бошқа товарлар етказиб беради.

Польша Халқ Республикаси Совет Иттифоқига денгиз транспорти кемалари ва балиқ овловчи денгиз кемалари, темир йўл вагонлари ва паровозлари, кўмир, рух, қанд, жун газлама ва лён толасидан тўқилган газлама ва бошқа товарлар етказиб беради.

Протоколни Совет томонидан Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, Польша томонидан Ташқи савдо министри К. Домбровский имзоладилар.

ОДЕССАДАН ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. ВОЛКОВГА

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. Т. ЛАЦИСГА

Москва

Болгария парламент делегацияси улуғ Совет Иттифоқи тупроғидан кетатуриб, бизни Сизнинг мамлакатингизда самимий қардошларча кутиб олганликлари учун Сизга ва Сиз орқали бутун совет халқига қизғин ташаккур изҳор қилади. Халқлар ўртасидаги тинчлик учун курашда янада катта муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз. Болгария парламент делегацияси номидан.

Фердинанд КОЗОВСКИЙ

Н. А. Булганиннинг «Юнайтед Пресс оф Пакистан» агентлигига берган жавоблари тўғрисида Ҳиндистонда баён қилинган фикрлар

ДЕҲЛИ, 8 февраль (ТАСС). «Ҳиндустан стандард» ва «Нав бхарат таймс» газеталари СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг «Юнайтед Пресс оф Пакистан» агентлигига берган жавобларининг текстини э'лон қилдилар. «Ҳиндустан стандард» газетаси бу хабарни «Совет-Покистон муносабатлари. Булганин «панча шила»ни қабул қилиш тарафдори» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Газета, Н. А. Булганин, жавобларининг Совет Иттифоқи билан Покистон ўртасидаги муносабатларда «панча шила»ни раҳбар принцип сифатида қабул қилиш бу муносабатларни муайян суратда яхшилаган бўлур эди ва ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига ҳамда орзуларига тамомила мувофиқ бўлур эди, деган жойини уқтириб ўтмоқда.

НОРВЕГИЯ МА'МУРЛАРИ УШЛАГАН СОВЕТ БАЛИҚ ОВЛАШ КЕМАЛАРИ БУШАТИБ ЮБОРИЛДИ

ОСЛО, 8 февраль. (ТАСС). Матбуотда хабар берилганидек, Норвеж денгизида балиқ овлаш билан шуғулланган бирнеча совет балиқ овлаш кемаси норвеж ма'мурлари томонидан ушланган эди.

Норвеж ма'мурлари билан келишилганлиги натижасида ва совет кемаларининг капитанлари белгиланган штрафни тўлашга рози бўлганларидан кейин ана шу ушланган совет балиқ овлаш кемаларининг ҳаммаси бўшатиб юборилди. 7 февральда бу кемалар Олесунд портидан денгизга чиқилар ва ҳозирги вақтда Атлантик океанида балиқ овламоқдалар.

Оттавада Иден матбуот конференцияси ўтказди

ОТТАВА, 8 февраль. (ТАСС). Англия бош министри Иден кеча Оттавада ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаб, Канада бош министри Сен-Лоран ва ташқи ишлар министри Пирсон билан бўлган учрашувлари вақтида Вашингтон музокараларининг якунлари муҳокама қилинганлигини ва Англия-Канада муносабатларига доир проблемалар муҳокама қилинажагини айтди. Жумладан, Британия миллатлар ҳамдорлиги мамлакатлари бош министрларининг бўладиган конференцияси ҳақидаги масала ва Англия билан Канада ўртасидаги савдо масалалари муҳокама қилинади, деди.

Мен ишонаманки, деди Иден, халқаро ишларда Канаданинг роли тобора ўсиб боради.

Мухбирлардан бири Идендан: «Булганин ва Хрушчевнинг Ҳиндистонда, Бирмада ва Афғонистонда қилган баёнотларидан кейин, уларнинг Англияга келиб-кетиши тўғрисида қилинган таклифнома ўз кучида қоладими?» деб сўраган эди. Иден: «Таклифнома ўз кучида қолади», деб жавоб берди.

Хитой Халқ Республикасини таниш ҳақидаги саволга жавоб бериб, Иден бундай деди: бу «бизнинг Хитойни танишимиз, унинг ҳукуматини ма'қуллашимизни ёки ма'қулламаслигимизни билдирмайди. Бу— фактни э'тироф қилишдир, холос».

Покистон ташқи ишлар министрининг баёноти

КАРАЧИ, 8 февраль. (ТАСС). Ташқи ишлар министри Ҳамидулҳақ Чоудхури СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганиннинг Покистон телеграф агентлиги редактори томонидан Совет-Покистон муносабатлари тўғрисида берилган саволларга қайтарган жавоблари муносабати билан кеча баёнот берди. Газеталарда э'лон қилинган бу баёнотда Покистоннинг ҳарбий гуруҳларга — СЕАТОга ва Бағдод пактига қўшилганлигини оқлашга уринилади.

Шу билан бирга Ҳамидулҳақ Чоудхури, Покистон ҳукумати Совет Иттифоқи билан муносабатларини яхшилашга ҳаминша интилиб келди, дейди.

Сўнгра у иқтисодий ҳамкорлик масалаларига тўхталиб, «биз ўзаро манфаатдорликни кўзда тутиб, ҳарбир давлат билан музокаралар олиб боришга қарши э'тироз билдирмаймиз» деган.

ХХР билан МХР ўртасида савдо протоколи имзоланди

ПЕКИН, 8 февраль. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради. 7 февральда Хитой Халқ Республикаси билан Мўғулистон Халқ Республикаси ўртасида 1956 йилда бир-бирларига товар етказиб бериш тўғрисидаги протокол имзоланди. 1956 йилда савдо ҳажми 1955 йилдагига нисбатан икки баравар кўпаяди.

Хитой Мўғулистонга гуруч, мева, тамаки, шойи газлама ва бошқа товарлар етказиб беради. Мўғулистон Халқ Республикаси Хитойга от, кўн-тери ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етказиб беради.

Президент Эйзенхауэр ҳузурида матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН, 8 февраль. (ТАСС). Вашингтон радиоси қуйидаги хабарни эълон қилди: Президент Эйзенхауэр бугун матбуот конференциясида баёнот бериб, совет бош министри Булганин билан ўзаро ёзишмани давом эттиражагини, Америка тинчликка олиб борадиган ҳарқандай йўлдан фойдаланиши лозим деб ҳисоблаганини айтди. Президентнинг сўзига қараганда, у ҳали Булганиннинг кейинги хатига жавоб ёзишни тамомламаган.

Бир мухбир Ўрта Шарқ масаласи юзасидан бош министр Иден билан олиб борилган музокараларнинг натижаларини баҳолаб беришни сўраган эди. Президент ана шу саволга жавоб қайтариб, Ўрта Шарқда уруш ҳаракатлари бошланишига йўл қўймаслик учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилажагини айтди.

Ички сиёсат масаласига келганда, Эйзенхауэр ўзининг АҚШ президенти вазифасига қайтадан сайланишига ҳаракат қилиши ёки ҳаракат қилмаслиги масаласини ҳал қилмоқ учун шу ойнинг охирида етарли информацияга эга бўлажагини айтди.

Аденауэрнинг сайловолди нутқлари

БОНН, 8 февраль. (ТАСС). 4 мартда Баден-Вюртемберг ўлкасининг ландтагига сайлов бўлажаги муносабати билан канцлер Аденауэр Карлеруэда ва Штутгартда сайловолди нутқлари сўзлади.

Ғарбий Германияда чиқадиган «Франкфуртер альгемейне» газетасида босилган хабардан ма'лум бўлишича, Аденауэр ҳақида Эйзенхауэр билан Иден чиқарган декларация руҳида гапирган. Канцлер «коммунистик хавф» тўғрисида бема'ни гапларни такрорлаган ва Совет Иттифоқи Ғарб билан «совуқ муносабатлар урушини» кучайтириш ниятида, деб да'во қилган. Шу муносабат билан Аденауэр, федерал республикага «оширилган мажбуриятлар» юклатилмоқда ва федерал республика «Коммунизмни даф' этишда етакчи рольни» ўйнамоғи керак, деган.

Аденауэр, Ғарбий давлатлар Бонн ҳукуматидан даставвал Ғарбий Германияни қуроллантиришни тезлаштиришни талаб этмоқдалар, деб англатиб ўтган. «Агар ҳозирги вақтда амалда бўлмаган 25 та ҳарбий қонунни бундесратда муҳокама қилган вақтда конфликтлар пайдо бўлса, — деган у, — бунинг натижасида иттифоқчилар кўз ўнгида федерал республиканинг обрўйи тушиб қолади».

Канцлер ўз нутқларида совет воқи'лигига туҳмат қилишдан ҳам тортинмаган. Совет экономикасини ҳақир беш йил ичида ривожлантириш тўғрисидаги перспективалар ғарбий герман жамоатчилигига қилган та'сирни юмшатишга уриниб бўлса керак, Аденауэр Совет Иттифоқининг иқтисодий имкониятларига шубҳа билан қарашга уринган ва Ғарбнинг «устунлигини» ҳархил йўллар билан уқтириб ўтган.

Областимизда



Оржоникидзе районидаги Сталин номли колхоз ва Қибрай қишлоқ Советининг бирлашган кутубхонаси 20 мингга яқин китоб фондига эга. Кутубхона фонди ой сари янги чиққан адабиётлар ҳисобига бойитилиб туради. Доимий китобхонлар сони 500 кишидан ошади. Шундан 250 га яқини колхоз а'золаридир. Суратда: кутубхоначи Мавжуда Икромова кутубхона а'золарига китоб бермоқда.

А. Аверьянов фотоси.

Бинокорлар малакасини ошириш курси

Яқинда Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли қурилиш техникуми ҳузурида ташкил этилган прораблар малакасини ошириш бир ойлик курси ўз ишини тамомлади.

Курсни Тошкентдаги 3, 4 ва 7-нчи қурилиш бошқармаларидан, Наманган область қурилиш трестидан, Қорақалпоғистон АССР қурилиш трестидан ва бошқа область ҳамда шаҳар қурилиш трест ва бошқармаларидан келган кўпгина киши тамомлаб чиқди.

Курс қатнашчилари бир ой давомида техника нормасини белгилаш, темирбетон конструкцияси, қурилиш механизмларининг янги турлари, хавфсизлик техникаси, қурилишни планлаштириш, ҳисобга олиш ва ишни ташкил этиш тўғрисида қатор цикли лекциялар тингладилар.

Лекциялар қурилиш техникумининг ўқитучилари ва қурилиш ташкилотларининг раҳбар ходимлари томонидан ўқилди. Лекциялар тажриба ўтказиш ҳамда қурилиш техникасига оид махсус кинофильмлар кўрсатиш билан боғлаб олиб борилди. Курс тингловчилари Тошкент шаҳридаги илғор қурилиш участкалари бинокорларининг иш тажрибалари билан таништилар.

И. ЗАБИРОВ.

Колхозларда қурилишлар

Областнинг Янгийўл районидаги колхозларда қурилиш ишлари йилдан-йилга кенгаймоқда. Ўтган йили чорвачилик бинолари қуриш плани 140 процент бажарилди. Планда кўзда тутилган 30 йирик об'ект ўрнига 42 об'ект қурилди. Ленин номли колхозда отхона, ёзлик сигирхона, бузоқхона ва чўчқахона бинолари қад кўтарди. Бу бинолларга 300 бошдан ортиқ мол жойлаштирилди.

Маданий-маиший бинолардан Свердлов номли колхозда ҳаммом, «Коммунизм» колхозида касалхона, Сталин номли колхозда правление биноси қуриліб, фойдаланишга топширилди. Колхозчилар учун 265 уй-жой бинолари тикланди.

Бундан ташқари, «Коммунизм» колхозида янги дурадгорлик устахонаси ва 600 тонна минерал ўғит сиғадиган склад қурилди.

Ҳозир колхозларда икки ўрта мактаб биноси, Ленин номли колхозда гипт заводи қурилмоқда.

1956 йилда асосий э'тибор маданий-маиший бинолар қуришга қаратилади.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР АРТИСТЛАРИ БЎСТОНДИҚ РАЙОНИДА

Яқинда Муқимий номли театр артистларидан бир группаси Бўстондиқ районининг Қўшкўрғон қишлоқ Советидаги колхозларда бўлиб, қишлоқ меҳнаткашларига қизиқарли программада концертлар қўйиб бердилар. «Ингиовул», Молотов номли, Жданов номли колхозларда бўлган концертни 1500 га яқин киши тамоша қилди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Фароғат Раҳматова ва Абдуғофур Абдурахмонов ўртоқларнинг «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидан ижро этган арияларини тамошабинлар мароқ билан тингладилар.

Театр коллективи кўрсатган маданий хизматдан район қишлоқ хўжалиги ходимлари жуда миннатдор бўлдилар.

Т. НОСИРОВ, С. ЭРАХМЕДОВ.

Ишчилар техник билимларини оширмоқдалар

Чирчиқ шаҳрида саноат корхоналари ишчилари ва инженер-техник ходимларининг техник ма'лумотларини оширишлари учун кечки машинасозлик техникуми очилди. Техникумга шаҳардаги «Средазхиммаш», «Чирчиксельмаш» заводлари ва электрохимия комбинатининг ишчилари ҳамда инженер-техник ходимларидан 500 дан ортиқ киши қатнашмоқда. Машғулотлар ва оммавий тажрибалар жуда қизиқарли ўтмоқда. Машғулотларни ўтказишга малакали ўқитучилар жалб қилинган. Ишчилар олган назарий билимларини амалий иш билан боғлаб, мустаҳкам ўзлаштирмоқдалар.

О. ЛЕВАК.

В. И. Ленин таржимаий ҳолини ўрганмоқдалар

Октябрь районидаги Сталин номли колхозининг правление а'золари (раиси Ғ. Далибоев, бошланғич партия ташкилотининг секретари У. Мирзааҳмедов ўртоқлар) пахтачиликни ривожлантириш билан бирга, колхоздаги ёш кадрларни марксизм-ленинизм назарияларини пухта ўрганишлари учун уларга етарли шароит яратиб бермоқдалар. Ана шу мақсадда колхозда ўтган йилнинг ноябрь ойида В. И. Ленининг таржимаий ҳолини ўрганучилар тўгараги ташкил этилган эди. Тўгаракка асосан комсомол-ёшлар қатнашмоқдалар.

Ҳозир тўгарак қатнашчилари В. И. Ленининг 1907 — 1912 йиллардаги революцион фаолиятини ўрганмоқдалар. Тўгаракка Ленин номидаги 7-нчи ўрта мактабнинг ўқитучиси ўртоқ В. Холматов раҳбарлик қилаётир.

С. НУ'МОНОВ.

Сотучисиз буфет

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ишчиларнинг тушки дам олиш вақтидан унумли фойдаланишлари учун ҳамма шароит яратиб берилган. Яқинда заводнинг қуюв цехида сотучисиз буфет ташкил қилинди. Буфетда ҳархил нонлар, булкалар, сариғёғ, консерва, колбаса ва конфет каби маҳсулотлар бор.

Цех ишчилари ўзларига керакли бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини сотучисиз олаверадилар. Пулларни майдалаш ёки ортиқчасини қайтариб олишни ҳам ишчиларнинг ўзлари бажарадилар. Бу билан ишчилар қисқа вақт ичида тез овқатланиб, маданий дам олиш, газета ва журналлар ўқиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Шунингдек шаҳардаги саноат моллари сотучи 1-нчи магазин қошида ҳам сотучисиз хона ташкил қилинди.

И. БАРАКАЕВ. А. ПАВЛЕНКО.

Автобазага экскурсия

Яқинда Мирзачўл шаҳридаги Куйбишев номли 1-нчи ўрта мактабнинг 8-нчи синф ўқучилари шаҳардаги 30-нчи автобазага экскурсияга бордилар. Бу ерда ўқучилар автомашина механизмлари ва уларнинг ҳаракат системаси билан танишдилар.

Ўқучилардан Гулчеҳра Хўжаева, Раҳбар Зоирова, Эшбўта Жабборов ва Ғулом Жумановларнинг илтимосига биноан автобаза электриги Я. Попов динамо ясаш ва аккумуляторларни зарядка қилиш тўғрисида сўзлаб берди. Экскурсия болаларда чуқур таассурот қолдирди.

М. АБДУРАИМОВ.

Спорт мусобақалари

САГУ, транспорт, тўқимачилик, молиявиқтисод институтларининг спорт заллари да волейбол бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги учун ўтказилган мусобақалар тамом бўлди. Уч ҳафта давом этган бу мусобақаларда шаҳардаги барча ўқув юртларидан 26 та эркаклар ва хотин-қизлар командалари қатнашди. Бу командалар икки эрлар ва икки хотин-қизлар подгруппаларига ажратилди. Подгруппаларда голиб чиққан командалар финал ўйинларида қатнашдилар.

Шаҳар биринчилиги учун бўлган финал мусобақаларида САГУ ва тўқимачилик институтининг волейболчилари учрашдилар. Бунда САГУ спортчилари 36:0 ҳисоби билан ғалаба қилдилар ва 1956 йилда олий ўқув юртлари ўртасида шаҳар чемпиони номини олдилар. Тўқимачилик институтининг волейболчилари иккинчи ўринни эгалладилар.

А. КИМ.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

СССР халқлари спартакиадасига пухта тайёрланайлик

СССР халқлари спартакиадаси яқинлашиб келмоқда. Республикамизнинг ҳамма бурчакларида спорт тарихида энг катта спорт байрами бўлган бу спартакиадага тайёргарлик кўриш тобора кучайиб бормоқда. Колхоз ва совхозларда, мактаблар, олий ўқув юртлари, ташкилотлар, фабрика ва заводларда оммавий спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бейинги вақтларда физкультура ҳаракатида бирмунча силжишлар юз берди. Масалан, 1954 йилда ҳархил спорт мусобақаларида тошкентли физкультурачилардан 86 минг киши қатнашган бўлса, 1955 йилга келиб 190 минг кишига етди.

1956 йил май ойининг охирида Тошкентда Ўзбекистон ССРнинг IX спартакиадаси ўтказилади. Бунда район, шаҳар ва область физкультура коллективларининг оммавийлик учун бўлган кураши намойиш қилинади. Бу мусобақалар тошкентли спортчиларнинг СССР халқлари спартакиадасига тайёрланишларида асосий этап бўлиб ҳисобланади ва спорт ишларининг аҳволига, оммавий физкультура ҳаракатининг тараққиётига, тошкентли спортчиларнинг маҳоратига кўрик бўлиб хизмат қилади.

Қисқа муддат ичида кенг ёшлар оммасини спорт секцияларига жалб қилиш, уларнинг спорт маҳоратларини ошириш соҳасида кўп ишлар қилиш лозим.

Ўзбекистон ССР халқлари спартакиадасига спортнинг 21 тури бўйича биринчи разрядли ва спорт мастерларидан иборат 520 спортчини юбориш керак. Лекин ҳозирги вақтда республикамизда биринчи разряд нормативини бажарган 300 дан ортиқроқ спортчи бор, холос. Спартакиадага енгил атлетика бўйича 75 та биринчи разрядли спортчи юборилиши керак бўлса-да, шу кунгача 27 та енгил атлетикачи тайёрланган, холос. Шунингдек, фехтование, сузиш ва бошқа спорт турлари бўйича ҳам белгиланган план бажарилмаётир. Ўзбекистон терма командаси составидаги енгил атлетикачиларнинг кўпчилик қисмини тошкентли спортчилар ташкил этади.

«Меҳнатга ва СССР мудофаасига тайёр» значогининг янги комплекси жорий қилинганлигига бир йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу физкультура ҳаракатининг оммавийлигини кўрсатучи яққол мисолдир. Лекин физкультура ташкилотларида ГТО значокчилари тайёрлаш ишлари қониқарсиз аҳволга тушиб қолган. Кўпчилик корхоналарда янги комплексга норма топшириш ташкил қилинмаган. Ўрта мактабни битиручи ўқучиларнинг ГТО значогига норма топширишларига э'тибор берилмаётир.

Бундай камчиликларнинг юз беришига асосий сабаб шуки, Тошкентдаги кўпчилик физкультура ходимлари ҳамма ишларни спорт жамиятларининг марказий секцияларида «етакчи» спортчилар билан олиб бориш керак деган нотўғри практика билан иш кўрмоқдалар. Кенг физкультурачилар оммаси эса э'тибордан четда қолдирилган. Бундай физкультура ходимлари қуйи коллективлар физкультура ҳаракатининг асоси эканлигини унутадилар. Қуйи коллективларда ўғил ва қизлар спортни ўрганадилар ва ўзларининг спорт-техник маҳоратларини оширадилар.

«Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари, канон фабрикаси, 1-нчи пойафзал фабрикаси, Таштрам ва бошқа кўпгина корхоналарнинг клубларида спортга жиддий э'тибор берилаётир, партия ташкилотлари эса физкультура коллективларига амалий ёрдам бермоқдалар. Бу корхоналарда спорт майдончалари жиҳозланиб, зарур инвентарьлар билан та'минланган. Спортнинг барча турлари бўйича ташкил қилинган секциялар мунтазам ишлаб турипти.

Лекин шаҳардаги 130 корхонада физкультура коллективлари ташкил қилинмаган. 1-нчи ва 2-нчи автозаводларда, Механика, Граммпластинка, Ильич номли ва қурилиш деталлари ҳамда чинни заводларида, музика мактабида, 10-нчи босмахона, «Средазуголь» трести ва бошқа корхоналарда шу даврга қадар физкультура коллективлари ташкил қилинмаган. Геологоразведка, савдо ташкилотларида физкультура ишлари қониқарсиз аҳволга тушиб қолган.

Ўқучиларнинг физкультура билан шуғулланишларини та'минлаш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда жисмоний тарбиянинг элементар талабларига жавоб бераолмайдиган айрим мактабларни спорт ишларига алоҳида э'тибор бериш лозим. Шаҳардаги 50, 52, 60, 71, 80 ва 87-нчи мактабларда ГТО значокчилари тайёрлаш ишлари деярли олиб борилмайди. Куйбишев районидаги 16 та мактабдан фақат 18-нчи мактабда ГТО комплексига норма топшириш бошланган, холос. Шаҳардаги 86 та мактабда қишки спорт заллари йўқ, 23 та мактабда спорт майдончалари жиҳозланмаган.

Олий ўқув юртларидаги кафедра бошлиқлари ва физкультура ўқитучиларининг республика конференцияси студентлар ўртасида спорт ишларини ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган қатор камчиликлар очиб ташланган эди. Чунки физкультура кафедраларининг фаолияти студентлардан разрядли спортчилар тайёрлашга қаратилмаган эди. Шаҳардаги 13 олий ўқув юртида 1955 йилда 50 та биринчи разрядли спортчи тайёрланган. Буларнинг ярмини шахтёрлар ташкил этади. Евлюкимова (ТашМИ), Лемокова (ТИИИМСХ), Дьякова (САЗПИ), Толмачов (САГУ) ўртоқлар каби физкультура кафедраларининг ўқитучилари кейинги 10 йил мобайнида биррта ҳам разрядли спортчи тайёрламаганлар.

Шунисе қизиқки, чет тиллар педагогика институти физкультура кафедрасининг мудири Максимов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти физкультура кафедрасининг мудири Курлянд ўртоқлар олий ўқув юртларида спортчилар тайёрлаш мумкин эмас деб ўйлайдилар. Бу институтларнинг партия ташкилотлари бундай нотўғри қарашларга кескин зарба беришлари керак.

Шаҳарда моддий техника базаси, стадионлар, спорт заллари ва бассейнлар етишмайди. 150 мингдан ортиқ физкультурачиларга эга бўлган шаҳарда 4 та қишки спорт зали бор, холос. Бирқанча спорт заллардан бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда. Масалан, область ижроия комитети биносига жойлашган спорт зали декоратив устахонасига айлантирилган. «Динамо» жамиятининг Урицкий кўчасидаги спорт залига кинотеатр жойлаштирилган. Тўқимачилар саройида физкультурачиларнинг сечиниш ва ювиниш жойлари прокуратура ва уй-жойга айлантирилган. Тўқимачилар саройида физкультурачиларнинг сечиниш ва ювиниш жойлари прокуратура ва уй-жойга айлантирилган.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг қарорида спорт базаларини қуриш муддати белгиланган эди. Лекин бу ишлар ҳамон бажарилмаётир. Тошкент темир йўли бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Қодиров) 1956 йил 1 июльда сузиш мусобақалари учун бассейн қуриши керак. Вақт ўтиб боришига қарамай, янги бассейн қурилишининг ҳужжатлари ҳозиргача тўғриланмаган. Узпромсовет «Спартак» стадионини реконструкция қилиш ишларини бошлангани йўқ. Бундан ярим йил олдин Сталин номли паркда қураш майдончаси ва гимнастика шаҳарчасини қуриб битказиш керак бўлса-да, бу соҳада шу кунга қадар ҳеч иш қилинмаган. Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори ўртоқ Бомков бассейн ва стадион қуриш ҳақида берган ва'дасини бажармади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети сессиясининг қарорига биноан «Ташкентказбель» заводи (директори ўртоқ Сафонов) 15 июльгача спорт майдончасини қуриши керак эди. Ер ишлари 1954 йилдаёқ тамомланган эди. Лекин қурилиш ишларини олиб борган УНР—227 (директори ўртоқ Котляровский) ишни тўхтатиб қўйди. Экскаватор (директори ўртоқ Терентьев), Ильич номли (директори ўртоқ Скорик) ва МПС (директори ўртоқ Дмитриев) заводларида спорт майдончаси ташкил қилишга ва'да берилган бўлса ҳам ва'да ва'далигича қолиб кетди.

СССР халқлари спартакиадасига оз вақт қолди. Ҳозирги вақтдаги муҳим вазифа — спартакиадани муносиб кутиб олиш учун физкультура ҳаракатини кенг оммалаштиришдан ва спортчиларнинг юксак спорт-техник кўрсаткичларга эришувларини та'минлашдан иборатдир.

В. ЗИМЕНКО.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 10 ва 11/II да **Чин муҳаббат.** 11/II га билетлар сотилган.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/II да **Ромео ва Жульетта,** 11/II да **Бўрон.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/II да **Нурхон,** 11/II да **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Бутун ва ҳар куни **Совет цирки усталари** иштироки билан **катта тамошалар.** Бугун тамоша давомида **ёш қизиқчилар** группаси ва қизиқчи **Юрий Шатиров** қатнашади. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

«РОДИНА» (эрталаб соат 11 да), НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» кинотеатрларида (кундуз), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кечқурун) — бадиий фильм **Яккама-якка.**

«РОДИНА» (эрталаб соат 9 яримда ва кундуз соат 1 дан), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун) — янги немис бадиий фильми **Зулматдан кучли.**

«ЁШ ГВАРДИЯ»да — кундуз янги бадиий фильм **Молдавия куйлари.**

НАВОИЙ номли кинотеатрда — кечқурун янги япон бадиий фильми **Кун тушмаган кўча.**

Оржоникидзе район, Куйбишев қишлоқ советидаги Навоий номли колхозда туручи **Қорабой Шомансуровнинг** Тошкент шаҳар, Қорасарой кўча, 36-нчи уйда туручи Аллюма Шомансурова-Абдуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Оржоникидзе район халқ судида кўрилади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
11 ва 12 февральда
КАТТА КОНЦЕРТЛАР

Концертларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Мукаррама Тургунбоева,** Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Узоқов,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳар Раҳимова, Муҳамаджон Мирзаев, Наби Ҳасанов,** «Баҳор» хотин-қизлар хореография ансамбли эстрада солистлари **Башорат Ҳўжаева, Раббим Ҳамдамов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
Ўзбек ашула ва рақс ансамблининг халқ чолғу асбоблари оркестрида
чанг, қашқар рубоби, афғон рубоби, сурнай, ғижжак, баян юзасидан
ВАКАНТ МУЗИКАЧИЛАР ВАЗИФАСИДА ИШЛАШ УЧУН КОНКУРС Э'ЛОН ҚИЛАДИ
Аризалар филармония дирекциясида қабул қилинади.
Адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-нчи уй. Телефон 34-643.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 39040 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 00037. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № — 1389.